

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ФАЛСАФА ФАКУЛТЕТИ
ТУРКИЙ ТИЛЛАР КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 894.35.1

ББК: 83.3 (5)

С – 96

СУННАТОВ ЖАМШИД ИРКИНОВИЧ

**ТУРК АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛЮРИДА РАҚАМЛАР БАДИИЙ
РАМЗ СИФАТИДА**

5A 120102 – Лингвистика

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

ф.ф.н., доц. Қ.Ш.Омонов

Тошкент – 2013

Ҳимояга рухсат берилди:

Магистратура бўлими бошлиғи:

ф.ф.н. У.Т.Сайдазимова

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-7
I БОБ. МИЛЛИЙ ТУШУНЧА ВА ТАСАВВУРЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ РАВИШДА ЮЗАГА КЕЛГАН РАМЗНИ БИЛДИРУВЧИ СОНЛАР	
1.1 Турк халқ маросимлари ва удумларида рақамларнинг ўрни.....	8-21
1.2 Етти рақамининг маъно ҳақиқати ва сирлари	21-35
1.3 Қадимги туркий халқларнинг Олтой достонида келган рақамлар символикаси.....	35-45
I боб бўйича хулоса.....	45-46
II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА РАҚАМЛАР ТАЛҚИНИ	
2.1. Алишер Навоий асарларида рақамлар рамз сифатида.....	47-58
2.2. Навоий шеъриятида осмон жисмларининг рақамлар ёрдамида берилиши.....	59-65
II боб бўйича хулоса.....	66
III БОБ. ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРНИ РАҚАМЛАР ВОСИТАСИДА БЕРИЛИШИ МАСАЛАСИ	
3.1. Дин ва тасаввуф таълимотида бир сонининг ўрни	67-74
3.2. Ислом дини билан боғлиқ маросимларида рақамлар.....	74-83
III боб бўйича хулоса.....	83-84
ХУЛОСА	85-86
Фойдаланилган адабиётлар	87-90

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Маънавий ҳаётимиздаги катта ўзгариш ва янгиланишлар миллий меросимизни кенг ўрганиш, тадқиқ қилишда ҳам эътиборли ютуқларни қўлга киритишга йўл очилди. Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг “Энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни авайлаб-асраб, янада бойитишимиз, улуғ аجدодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор”¹, деган сўзлари адабий меросимизга диққат-эътиборнинг ортганлиги ва миллий ўзлигимизни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради, шунингдек, адабий меросимизни ҳар томонлама пухта текширишга ундайди.

Узоқ асрлик мумтоз адабиётимизнинг намуналарини тадқиқ ва таҳлил қилганда, уларнинг рамзий – мажозий «қатлам» ва ҳақиқатларига ҳам дуч келинади. Бу фикр рақам семантикаси ва символикасига ҳам бевосита дахлдор.

Маълумки, XIX асрдан кейин рақамларнинг фалсафий, илоҳий хусусиятларига қизиқиш кучайиб, кўп олимлар бу ҳақда қалам тебратишган. Ҳатто сўнгсиз қудрат соҳиби Оллоҳнинг яратикларидан ички сир ва уйғунликларни ҳам рақамлар тили орқали кашф айлашга даъватлар бўлган. Бу эса рақамларнинг бадий адабиётдаги ўрни ва маъно сирларини ёритишга рағбатни анчагина жонлантирган.

Дарҳақиқат, рақам замирида яширинган у ёки бу маъно ва ҳақиқатни англамасдан, бадий матнни таҳлил қилиш анча мушкул. Шарқ шеъриятида қўлланилган рақамлар фақатгина аниқ сон қийматини эмас, балки аксарият пайтларда бирор бир рамзий-илоҳий, фалсафий, дунёвий мазмунни ҳам ифода этган. Рақам рамзларидан моҳирона фойдаланиш ижодкордан дин, мифология, фалсафа, тарих, тасаввуф кабиларга доир

¹Каримов И.А Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент, 2001. – Б. 102.

билимни талаб қилгандек, ҳар бир рақам ортида беркинган мазмунларни очиш, тўғри талқин қилиш учун ҳам маълум тайёргарлик ва малака лозимдир.

Рақам арабча сўз бўлиб, “ёзув”, “битиш”, “сон” маъноларини ифодалайдиган, миқдорни англатадиган шартли белгидир. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” да рақамлар, уларнинг пайдо бўлиш тарихи, тадрижий тараққиёти йўллари ҳақида мухтасар маълумот келтирилган. Унда айтилишича “Энг қадимги рақам бобилликлар ва мисрликларга мансуб. Миср иероглиф рақамида сонларни ифодалаш учун махсус расм белгилар, кейинроқ нератик ва демотик ёзувлар пайдо бўлди. Миср нератик ёзувидан Яқин ва Ўрта Шарқдаги барча ёзувлар ҳамда Юнон – Иония ёзуви, шу билан бирга алифбога асосланган рақам келиб чиқди”¹.

Араб мамлакатларида VI асрдан бошлаб араб алифбоси ҳарфлари билан ифодаланадиган рақамлар ишлатилган. Араб ёзувидаги 28 та ҳарф 28 та рақамни англатади ва бу “Абжад ҳисоби” деб юритилади.

Рақамлар ҳисоб-китоб вазифасини бажаришдан ташқари, турли қадимий эътиқодлар билан боғлиқ равишда рамзий маъноларга ҳам эга. Филология фанлар доктори М.Жўраевнинг фикрига кўра, фольклорда, маросим ва удумларда қўлланувчи рақамлар иккига ажралади:

1. Сехрли рақамлар.
2. Анъанавий рақамлар.²

Қадимги даврларда рақамларни илоҳийлаштириш нуқтаи назари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Пифагор “Сон-борлиқнинг асоси” деган қарашни илгари сурган. Пифагор мактабининг вакиллари рақамларни сирли, илоҳий кучга эга унсур, деб билишган. Шунинг учун ҳам оламни рақамлар ва уларнинг нисбатлари бошқариб боради, деб таъкидлашган.

Ион Хиосский (эрамиздан аввалги V аср) Уч рақамига бағишланган “Уч кураш” асарини яратиб, унда “Ҳамма нарса учта бўлади, ҳеч бир нарса

¹ Ўзбекистон миллий Энциклопедияси. VII том. – Тошкент, 2004. – Б. 265.

² Жўраев М. «Сехрли» рақамлар сири. – Тошкент, 1990. – Б.13.

учтадан ортиқ ёки кам эмас. Алоҳида олинган ҳар бир мавжудотнинг камоли учлик: ақл – идрок, куч – қувват ва бахтдир”, - деб таъкидлайди¹.

Шундай қилиб, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли вақтларда ҳар хил рақамлар муқаддаслаштирилган. Рақамларнинг илоҳийлаштирилиши кўп ҳолларда оламнинг пайдо бўлиши, осмон жисмлари, коинот, ер ва унинг тузилиши, тоғлар, океанларнинг яратилиши ҳақидаги диний тасаввурлар билан боғлиқ бўлса, бошқа ҳолатларда астрономик кузатишлар натижасидир. Халқнинг дунёқараши ва эстетик тафаккуридан ўрин олган рақамлар муқаддаслиги ҳақидаги турли хил қараш аста – секинлик билан ёзма адабиётга ҳам кириб кела бошлади. Шарқ мумтоз шеърляти, жумладан, турк шеърлятида ишлатилган рақамларнинг рамзий моҳиятини очиш, рақамларнинг сирли- силсилавий ифодаларини ёритиш, рақамлар воситасида ифода этилажак фикрлар баёнида бадиий тасвир усулларида фойдаланишда ижодкор маҳоратини кўрсатиб бериш мавзунинг янгилиги ва долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Рақамларнинг мифология ва халқ оғзаки ижодида тутган ўрни, моҳияти, рамзий – мажозий маънолари хусусида бир қанча илмий изланишлар олиб борилган. Бу тадқиқотларда урф-одат, маросим ва фольклорда қўлланилган рақамлар, уларнинг умумий ва ўзига хос ғоявий -поэтик хусусиятлари, мифологик асослар очиб берилган. Рақамларнинг мумтоз адабиётдаги рамзий – мажозий хусусиятлари, ғоявий – бадиий талқинига доир айрим илмий кузатишлар ҳам мавжуд бўлса-да, мазкур масала ҳанузгача махсус тадқиқ этилгани йўқ.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотдан кўзда тутилган асосий мақсад турк ва ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ижодиётида қўлланилган рақамлар тарихини ўрганиш, уларнинг рамзий -мажозий маъноларини ёритиш ва рақам рамзларидан фойдаланишда у ёки бу шоир маҳоратига

¹Евсюков В.В. Мифы о вселенной. – Новосибирск, 1988. - С. 15.

хам диққатни қаратишдир. Шунингдек, рақамларнинг бадиий функцияларини аниқлаш, магик сонларнинг бадиий образ даражасига кўтарилиш жараёнини таҳлил қилиш ҳам тадқиқот мақсадига киради.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқотда кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш учун қуйдагилар эътиборга олинди:

-рақамларнинг диний-мифологик, космогоник тушунчалар, урф-одат ва маросимлар билан боғлиқ жиҳатларига таяниб, уларнинг бадиий ижоддаги ўрни, информатив ва эстетик функциясини ёритиш;

- Шарқ мумтоз адабиёти, жумладан, турк ва ўзбек адабиётида қўлланилган рақамларнинг анъанавий ғоявий-бадиий, рамзий-мажозий маъноларини кенг миқёсида очиб бериш;

- рақамларнинг тасаввуф шеъриятида тутган ўрни, уларнинг рамзий – мажозий маъноларидан ирфоний фикр ва туйғулар ифодаси учун фойдаланиш тамойилларини тадқиқ қилиш;

- Алишер Навоий ижодида қўлланилган рамзий рақамлар кўлами ва унинг бошқа ижодкорлардан фарқли жиҳатларини тадқиқ қилиш;

- мумтоз шоирларимиз, жумладан, Алишер Навоийнинг рамзий рақамларни қўллашдаги маҳоратини ёритиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотимизнинг предмети турк ва ўзбек тилларидаги рамзий рақамларнинг чоғиштира таҳлили бўлса, унинг объекти эса рамзий-мажозий маъноларни ёритиш ва рақам рамзларидан фойдаланишда у ёки бу шоир маҳоратига диққатни қаратишдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Турк ва ўзбек мумтоз шеъриятининг ғоявий – бадиий сирларини очишда рақамларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва вазифаси бор. Аммо бу соҳада, айниқса, тасаввуфий адабиёт намуналаридаги рақамларнинг маъно-моҳиятини ёритишда махсус бир илмий тадқиқот амалга оширилмаган. Ушбу тадқиқотда эса худди шу масаладан баҳс юритилган ва мавзуни ёритишда изчил таҳлилларга

асосланилган. Ишнинг илмий янгилиги, энг аввало, ана шу жиҳатда намоён бўлади.

Тадқиқотда рақамлар билан боғлиқ образларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёт босқичлари ёритилган. Рақам-образларга хос бўлган тушунчаларнинг мазмун-моҳияти аниқланган.

Тадқиқот манбалари. Ишни амалга оширишда қуйидаги манбалар асос қилиб олинади: Маҳмуд Кошғарий. “Девони луғатит турк”, Аҳмад Яссавий. “Ҳикматлар”, Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби, Сўфи Оллоёр. “Сабот ул – ожизин”, Алишер Навоий. Мукаммал асарлари, Юнус Эмро девони. Шунингдек, тадқиқотда А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққулов, М.Жўраев каби олимларнинг тадқиқотларига асосланилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлардан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 90 бетдан иборат. Фойдаланилган адабиётлар сони 67 та.

І БО Б. МИЛЛИЙ ТУШУНЧА ВА ТАСАВВУРЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ РАВИШДА ЮЗАГА КЕЛГАН РАМЗНИ БИЛДИРУВЧИ СОҒЛАР.

1.1. Турк халқ маросимлари ва удумларида рақамларнинг ўрни

Кўп асрлик мумтоз адабиётимиз намуналарини чуқур таҳлил ва талқин этиш жараёнида турли хил рамз ва мажозларга дуч келинади. Ана шундай рамзлар рақамлар ёрдамида юзага келган бўлиб, улар замирида яширинган сирли маънони англамасдан шеъринг асарини таҳлил қилиш, шоир ифодала-моқчи бўлган фикрнинг ўқиш мушкул. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишора ва фикр устида пухта ўйлаш, тахминга йўл қўймаслик талаб қилинади. Шарқ шеъринида қўлланилган рақамлар фақатгина аниқ сон қийматини эмас, балки аксарият ҳолатларда бирор-бир рамзий маънони англатади. Рақам рамзларидан моҳирона фойдалана олиш ижодкордан катта маҳорат талаб қилади. Рақамлар ортида яширинган маъноларни очиш, уларнинг тўғри талқин қилиш учун ҳам муайян билим захирасига эга бўлиш лозим¹. «Ўзбекистон энциклопедияси» да рақамлар, уларнинг пайдо бўлиш тарихи узлуксиз тараққиёти йўллари ҳақида қисқа маълумот келтирилган. Унда айтилишича, «Муҳаммад Хоразмий Ҳиндистонда кашф этилган ўн рақамдан иборат тизимнинг ўрганади, уни соддалаштириб, кенгайтиради ва биринчи марта араб тилида баён этади. Хоразмийнинг «Арифметика» си билан бу ҳинд рақамлари мусулмон шарқига кириб келди»².

Халқ оғзаки ижодиётида кенг тарқалган рақамлар билан боғлиқ турли хил эътиқодлар сирини тўғри талқин қилиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Чунки рақамларнинг тимсоллаштириш аънанасининг тарихий илдизларини ва бу тасаввурларнинг илмий моҳиятини билмасдан туриб, маросим ва удумларимизда амал қилинадиган кўплаб қадимий аъналарнинг маъзини чақиш қийин. Ёшларда халқимизнинг бой маданий меросига

¹Жўраев М. - «сеҳри» рақамлар сирини. – Тошкент, 1990. –Б.112..

²Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2002. 6 – жилд.-Б.140 .

муҳаббат уйғотиш, халқ тафаккурининг ажиб дурдоналари, мўъжизалари билан таништириш учун ҳам ўтмишда яшаган боболаримиз дунё қарашида муҳим роль ўйнаган “сеҳрли” сонларнинг табиатини ўрганиш жуда зарур. Зеро халқ оғзаки ижодиёти, классик адабиётимиз намуналарида гўзал бадиий образлар, фусункор рамзлар сифатида кенг қўлланган “сеҳрли” рақамлар ҳақидаги қадимий тасаввурлар боболаримиз тафаккурининг бебаҳо дурдоналари сирасига киради.

Айрим рақамларни “муқаддас” билиб, сиғиниш анъанаси инсоният ўтмишининг қадимги даврларда яратилган афсонавий қарашлари билан боғлиқдир. Шу боис турли элларда ва уларнинг халқ оғзаки ижодида, жонли сўзлашувда, маданият ва санъат обидаларида “сеҳрли” сонлар ҳақидаги турли–туман ирим–сирим ҳамда аломатлар сақланиб қолган. Сонларнинг ғайри табиий қудратига ишониш, масалан «етти» ни омад, бахт рамзи, “уч” ни эса куч–қудрат етуклик белгиси деб билиш ўтмишда яратилган мифологик эътиқодлар сирасига киради¹. Жумладан, турк адабиёти ва фольклорида 1, 2, 3, 4, 5, 7, 9, 12, 20, 40 каби рақамлар муқаддас ҳисобланади.

“Сеҳрли” рақамларнинг энг қадимгиларидан бири иккидир. Халқимиз ҳаётига эътибор берсангиз, ирим-сирим ва маросимларимизда ўзига хос жуфт-тоқлик қоидасига аҳамият берилишининг гувоҳи бўласиз. Тўй куни дастурхонларга қўйилган нонларнинг сони, албатта, жуфт бўлиши керак, акс ҳолда бирор кўнгилсизлик рўй беради дейишади. Дафн маросимида эса бунинг тескарисини кўрамыз.

Туркий халқларнинг яна бир удумига кўра, илгарилари қизлар сочини тоқ қилиб ўришган, агар жуфт қилиб ўрилса, соч ўсмай қолади, тоқ бўлса тезроқ жуфт бўлай деб ўсар эмиш деб ишонишган. Кўринадикки халқимизнинг удумларида “икки” рақами ёки жуфтликка алоҳида эътибор берилар экан.

¹Жўраев М., Холмухаммедов К. Етти икклимдаги «еттилар». – Тошкент: Фан. 1989 – Б.68.

Маълум бўлишича, қадимги одам табиат ҳодисаларини иккига ажратиб тасаввур қиларкан. Моддий олам унинг кўз ўнгида яхши-ёмон, ҳаёт-ўлим, ёруғ-қоронғу каби иккилик тарзида акс этганки, уларнинг биринчиси яхшилик, эзгулик билан кейингиси эса ёмонлик ва ёвузлик тушунчалари билан боғланган эди, Аждодларимиз табиатдаги барча ҳодисаларнинг бир-бирига қарама-қарши икки жиҳати мавжудлигини англаб етиши бу жуфтликларнинг сон жиҳатидан иккиталигини тушунишга асос бўлган¹.

“Икки” сони ҳақидаги халқ қарашларининг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун оқ ва қора ранглари билан алоқадор иримларнинг талқинига эътибор берайлик.

Қадимги одам тасаввуридаёқ ранг ёруғлик, нур билан, қора эса зулмат, у дунё билан алоқадор бўлган. Нариги дунё рамзи бўлмиш “қора” рангининг мифологик мазмуни “қора ер ютсин” қарғишида яққол билинади. Чунки ер ости, нариги дунё ҳақидаги тасаввурларни яратган ибтидоий одам барча ёвуз кучларни ўша ерда бўлади деб ўйлаган. Демак, қора ёмонлик тимсолидир.

Оқ эса яхшилик, эзгулик белгисидир. Тўй маросимларимизга бир назар ташласангиз, оқ ранг билан боғлиқ рамзий иримларга кўп дуч келасиз. Қадимий удумларимизга кўра келиннинг куёвга берадиган илк совғаларидан бири оқ рўмолча бўлган. Совчиларга оқлик бериш расм бўлган. Никоҳ кечаси келинга оқ кўйлак-бахт кўйлаги кийдиради.

Ҳатто чимилдиқ ҳам оқ матодан бўлиши лозим. Келинни узатаётганда ота

-

она, қариндошлар унга оқ фотиҳа тилайдилар. Кўринадики, оқ-яхшилик, бахт ва омад тимсолидир. Тўй удумларимизда оқ рангга қатъий амал қилишнинг боиси келин-куёвга бахт, тотли оилавий ҳаёт тилашдир.

¹Аҳмад Яссавий. Ҳаёти, асарлари, фикрлари. – Истанбул. 1996. – Б.604.

Ўрта Осиё мифологиясида Ахура Mazda бошчилигидаги эзгулик олами ёруғлик, оқлик, бахт билан алоқадор. Ахриман томонидаги қора кучлар эса исми жисмига монанд ҳолда қора ранг ва ёвузлик билан боғлиқ. Ҳатто қахрамонлар тасвирида ҳам бу ранглар рамзий маънода қўлланилишини кўрамиз.

Хусусан “Ўғузнома” да тасвирланишича, ҳоқон тахтининг икки томонига икки ёғоч ўрнаттиради. Ўнг томондаги ёғочнинг учига олтин товук, чапдагисининг тепасига эса кумуш товук суратидаги белги қўйдиради. Ўнгдаги ёғочга оқ қўй, чапдаги ёғочга эса қора қўй боғлатади. Гарчи Ўғузхоннинг авлодлари Бузуқлар ва Учўқлар деб аталишсада, ҳоқон тахтининг икки томонидаги ёғочларга оқ ва қора қўй боғланган деб тасвирланиши бежиз эмас, чунки туркий қавмларнинг уруғ-қабила номларини кўздан кечирсангиз, оқ ва қора қўй билан боғлиқ атамаларга кўп дуч келасиз. Масалан, оқ қўйунли ва қора қўйунли деб номланган турк уруғлари XIV - XV асрларда жуда машҳур бўлишган. Туркий қавмлар таркибидаги оқ қўйли ва қора қўйли уруғларининг номи “Ўғузнома” да тасвирланган оқ ва қора қўйларни ҳоқон тахти ёнидаги ёғочларга боғлаш мотивига боғланади. Фикримизча, оқ қўй Бўзуқ уруғининг рамзи бўлса, қора қўй Уч ўқлар белгисидир¹.

“Икки” рақами ёки жуфтлик ҳақидаги қарашлар таъсирида уруғ-қабилаларнинг икки қисмга ажралганлиги, ўтмишда ҳар қандай қабила икки гуруҳга бўлинганлиги маълум. Бу қадимий этник қурилиш туркий халқларнинг қабила системаси атамаларида сақланиб қолган. Бу уруғ атамаларида оқ ва қора рангларнинг қўлланиши икки рақами тўғрисидаги дуалистик қарашлар билан боғлиқдир. Аста-секин турмушдаги барча воқеа-ҳодисаларни иккига бўлиб тушуниш анъанаси пайдо бўлди. Икки рақами ҳақидаги мифологик тушунчалар фольклор асарлари ва маросимларимиздаги жуфтлик рамзларининг юзага келишига асос бўлган.

¹Ziya Gokalp, Turk Turesi, Istanbul. 1963, S 107.

Турк халқ маросимлари ва удумларида жуфт тоқлик қондасига амал қилиниши “икки” сонининг тимсоллаштирилиши билан боғлиқдир.

Уч сони халқимизнинг хилма-хил маросим ва удумларида муносиб ўрин олган. Жумладан кундалик турмушда мавжуд бўлган турли ирим-сирим ва эътиқодларда анъанавий учликка қатъий риоя қилинади. Илгарилари ўғил уйлантирмоқчи бўлган оила вакиллари уч марта совчиликка боришган, анъанага кўра совчиликка уч кишини юборишган. Эртақ ва дostonларимизда бу рақам билан боғлиқ бадиий образлар кўп учрайди.

Жумхуриятимизнинг айрим қишлоқларида келинни уч марта олов атрофида айлантириш удуми ҳозир ҳам сақланган. Гўё шундай қилинса, келин-куёвга ҳеч қандай зиён-заҳмат даҳл қилмас эмиш¹.

Оловдан уч марта айланиш удуми рамзий покланиш маросимининг қадимий кўринишларидан биридир. Боболаримизнинг тасаввурларига кўра, гўё оловдан уч марта айланаётган пайтда инсон танасига, унинг кийим-кечакларига ўрнашган ёвуз кучлар, инс-жинслар куйиб кул бўлиб кетишармиш. Одам танаси эса покланар экан. Бу албатта, қадимий хурофий тасаввурлардан бири бўлиб, халқ хотирасида анъана тарзида узоқ вақт сақланиб қолган.

XIVасрда яшаб ўтган Баҳовуддиннинг Бухоро яқинидаги мозори билан боғлиқ афсоналарда ҳам худди шундай “учлик” анъанаси мавжуд. Ривоят қилишларича, Баҳовуддиннинг қабри ва унинг руҳи ўтган муқаддас теракни уч маротаба айланиш ва сиғинишнинг савоби Маккага бориб келган ҳожининг топган савоби билан баробар эмиш².

“Уч” рақами шунингдек, марҳумнинг учини қилиш, арвоҳларга уч ёқиш (учта чўпга пахта ўраб ёғга ботириб ёқиб қўйиш), учуқлаш (товуқни сўйиб ёки унинг уч жойидан қон олиб беморларнинг уч ерига суркаб қўйиш удуми учуқлаш дейилади) каби анъаналар таркибида ҳам учрайди.

¹Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида «сеҳрли» рақамлар.- Тошкент: Фан, 1991. – Б.112.

²Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент: адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. - Б.256.

Уч ўқ мотиви қадимги туркий элатлар дунёқарашида ҳам муҳим роль ўйнаган. Нақл қилишларича, афсонавий Ўғузхоннинг уч ўғли шикорга чиққанида учта кумуш ўқ топиб олишибди. Шундан сўнг улар “уч ўқ топганлар” ёки “уч ўқлар” деган ном олишибди.

Уч бошли афсонавий образларнинг асоси халқимизнинг уч бошли аждар тўғрисидаги қадимий қарашларга боғлиқ. Чунки Ўрта Осиё халқларининг афсоналарини ўзида жамлаган “Авесто” да куч-қудрат ва баҳодирлик рамзи бўлмиш Ажи-Даҳҳок, яъни Аждарҳо уч бошли махлук сифатида талқин қилинган. Аждарҳо ёки Дев бошларининг қуш, одам ёки илон бошига ўхшашлигига кўра, бу образ қадимги одамнинг уч олам-Осмон, Ер ва Ер ости дунёси ҳақидаги илк қарашларининг маҳсули бўлиши керак деган хулосага келамиз. Зеро ибтидоий одам борликни уч қисмдан иборат деб билган: бу мифологик талқинга кўра қуш юқори олам, яъни осмон рамзи бўлса, инсон замин фарзанди, илон эса кўпроқ ер остида яшайди, деб ўйлаган. Бу қадимий мифологик тасаввур умумлашиб кетиб, фольклордаги уч бошли афсонавий образлар талқинида ўз ифодасини топган.

Туркий халқларнинг фольклорида уч йўлнинг ғайритабиий хусусиятига сиғиниш анъанасининг излари сақланиб қолган¹. Йўлнинг уч томонга айрилган жойидан тупроқ олиш анъанаси, аввало уч йўл ҳақидаги мифологик қарашлар, қолаверса уч сонининг сирли хусусияти билан боғланади. Бундай йўлда ҳамма вақт яхшилик ва ёмонлик кучлари сараланади. Бу анъанани ўзбек фольклоридаги муштарак мотивлар билан қиёслаб кўрайлик. Чунки ўзбек халқ эртақларида уч йўл-борса келар, борса келмас ва борса хатар тасвири уч йўл ҳақидаги магик эътиқодларнинг пайдо бўлишини тушунишга бир қадар ёрдам беради.

Уч йўл мотиви қадимги туркларнинг мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Боболаримизнинг мифологик эътиқодларига кўра уч йўл – уч

¹Türkmen şiiri anatalojisi. Kemal Karaalioglu. Istanbul, 1982. S .221.

оламга олиб боради, яъни борса келар – Заминга, борса хатар – Кўкка, борса келмас-Ер ости дунёсига борадиган йўл номидир. Демак, аслида уч йўл қадимги аждодларимизнинг уч олам тўғрисидаги мифологик қарашлари асосида пайдо бўлган бадиий элементлардан биридир. Кейинчалик ана шу мифологик тасаввурлар асосида хурофий удумларга уч йўл анъанаси тимсолаштирилган.

“Бир, икки, уч – учдан кейин пуч !” айтими қадимги санокнинг ўйин фольклорида қўлланиладган санама текстга айланган кўринишидир. Қадимги одам бирор нарсани санаётиб, учдан сўнг келадиган рақамни тополмай “кўп” сўзини қўллагани каби, болалар ҳам ўйин фольклорида учдан кейинги рақамни билолмай, “пуч”, деб қўя қолишган¹. Шу боис қадимги Мисрликларнинг Миххат усулида битилган ёдгорликларида “кўп” тушунчаси уч чизиқли иероглиф – яъни “Ш” белгиси билан ифодаланар экан. Ҳатто ҳозир ҳам ёзувда маълум нотугалликни акс эттириш учун чала қолдирилган жумла ёки тушириб қолдирилган сўз ўрнига уч нуқта қўямиз. Шеърый китобларда ҳам тўртликларни бир-биридан ажиратиш учун учта юлдуз шакли қўлланилиши маълум.

Уч сони “Алеви” (Alevi) жамияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, яъни уч сони ортида Оллоҳ, ҳазрати Муҳаммад ва ҳазрати Али ифодалари ётади.

Турк маданияти ва тарихи бу сон билан турли хил воқеа ва ҳодисаларга бой. Булар: Турк афсона ва эртақларига кўра инсон жаҳондаги уч муҳим мавжудотлардан биридир. Турк мифологиясига кўра илоҳлар учтадир².

Булар: “Gok Tanrı”, яъни – Кўк тангри, “Yer sular”, яъни Ер сув ва “Yagiz Yer”, яъни Кулранг ер. Ўғуз достонига кўра, Ўғуз хон уч кун она сути билан озиқланмаган ва шундан сўнг унинг онаси уч кеча қилажак ишлари ҳақида туш кўрган.

¹Жоҳонгиров Ғ.А. Ўзбек болалар фольклори.- Тошкент: ўқитувчи.1975. –Б.122.

²Кушайрий . Рисолаи Кушайрий. – Истанбул, 1991. –Б.526.

Ўғуз хон икки аёлидан учтадан ўғил кўрган. Булар Гўкхон (Gokhan), Тоғхон (Daghan) ва Денгизхон (Denizhan) лардир.

Тоғли, турк халқ тўй маросимлари уч босқичда бўлади. Келин эрининг уйига келгандан сўнг, уч кун эрига, қайнонасига ва қайнотасига кўриниши гуноҳ ҳисобланади¹.

Қирғиз эпоси ҳисобланмиш «Манас» достонида ҳам уч сони турли хил воқеа ва ҳодисаларга эга.

Манаснинг қўлга киритган жойлардан бирининг номи “Uç kosay” дир.

Манас уч кун ҳеч ким билан гаплашмаган ва Манаснинг олдига уч киз келиб юзларини кесиб йиғи айтадилар.

Üçler bu Alemde birliğe yettin
Beşlerde onların damenin tuttu
Birlik Lokmasını yediler yuttu
Damenin pak olan hırlerde billah

ва

Üçleri bil, beşleri bil? Yedileri kirkleri bil
Hazir gaibi gerçek var olan sul sultani bil
Sin göründü hem cu dem ustadimizdan yadigar
Nem kepenkli denildi Baba Bengi vari bil

Ушбу тўртликларнинг биринчи мисраларидаги “Üçler”, яъни – Учлар сўзлари – Оллоҳ, ҳазрати Муҳаммад ва ҳазрати Алини рамз этади ёки бўлмаса:

Üçler,beşler dahi kirkler, yediler
Riza sofrasında Lokman verdiler
Canlı cenazemi yere serdiler.
Doldur saki doldur beşler aşkına².

¹Sabri Cemil, “Türkiye masalları”. Istanbul, 1997

²Türkiye türk edebiyatı. Nevzan Koşoğlu. Ankara, 2003. S. 244.

Тўрт рақами халқимиз ижтимоий қарашлари маданий анъаналари ва кундалик турмушида кўп қўлланиладиган рақамлардан бири.

Дунё халқлари мифологиясида оламнинг тузилиши, унинг тўрт томони мавжудлиги, бир ой тўрт ҳафтадан, бир йил тўрт фаслдан иборатлиги, ойнанинг ҳар ойда ўз тусини тўрт мартаба ўзгартириб туриши каби ҳолатлар бу рақамнинг анъанавийлашишига сабаб бўлган.

Тасаввуф арбоблари инсоннинг тўрт унсурдан, яъни ўт, сув, тупроқ ва елдан яратилганлигини таъкидлайдилар.

Яратилишига доир ақидаларга таяниб унинг энг муҳим хислат ва ҳаракатларини ёритувчи бир неча “тўрт” ликларни кашф этган.

Масалан, Чор унсурга мувофиқ равишда инсон тўрт руҳга соҳиб бўлган:

- 1.Наботий руҳ
- 2.Жисмоний руҳ
- 3.Ҳайвоний руҳ
- 4.Инсоний руҳ.

Бу тўрт руҳга алоқадор тўрт аъзо берилган. Инсонга: кулоқ, бурун, кўз ва оғиз. Бу тўрт аъзо учун тўрт вакил бор: Нафси аммора, нафси лаввома, нафси мулҳама ва нафси мутмаина. Ушбу тўрт нафс учун тўрт олам мавжуд: Шухуд, Малакут, Жабарут ва Лоҳут. Бу тўрт олам сайри учун тўрт малак, яъни қувват яралган: ҳис этиш, ҳидлаш, кўриш ва татиш. Булардан биринчиси Жаброилни, иккинчиси Исрофилни, учинчиси Микоилни, тўртинчиси Азроилни тимсол этган. Уларнинг барини изофий руҳ қуршаб олгандир. Наботий руҳ сувга майл айласа, ҳайвоний руҳ тупроққа, жисмоний руҳ оловга, инсоний руҳ эса асосан шамолга майл кўрсатади¹.

Турклар эътиқодида тўрт сони ҳам муҳим ўрин тутади. Бунинг изларини ҳозирги турк туркуларида (халқ қўшиқларида) ҳам кузатиш мумкин.

“Aşik” яъни бахшилар томонидан ушбу сон қуйидаги тарзда ижро этилади:

¹Юнус Эмро. Девон. – Анкара, 1990. – Б.225.

Dervişin dörd yanında dörd ulu kapi gerek
Nereye bakar ise gündüz ola gecesi
Bu şariat güç olur Tarikat yokuş olur
Marifet şarpli durur hakikattir yücesi

Ёки бўлмаса:

Tarikat imam gerek
Bir tastik imam gerek
Talip bu dörd kapinin
Varından tamam gerek.

Юқорида кўрсатилган тўртликнинг биринчи мисрасидаги “dört ulu kapi” рамзи, улуғ тўрт тушунчалар, яъни шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатни ифодалайди. Яна шунга мисол тариқасида куйидаги тўртликларни келтириш мумкин:

Açildi Hak kapisini
Sunuldi aşk dolusu
O dört kapından içre
Girenin canına hu

Dört kapiyi kirk makami bilmezsen
Men aref sirina mazhar olmazsan

Hakikatte helal kara yelmezsen
Tok gider menzile aç gelir sana.
Dört kapiyi tanımaza bir kişi
Culha dokur artik eder bezini

Namert olur feyli şeydandır işi
Du cihanda kara teller yuzunu.
Dört kapi kirk makam hakidir Kur'an
Dört kapidir kirk makami, yüz aemiş

Menzili var

Оллоҳ тарафидан юборилган муқаддас тўрт, яъни Забур, Таврот, Инжил ва Қуръон китоблари “Тўрт” сони орқали халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан бўлмиш бахшилар ижросидаги қўшиқларидан олинган намуналарида қуйидагича келмоқдадир:

Dört kitabın dördünü buyurdu Allah

Dört kitab içinde okunur ayet

Dört kitabın dördü ezberi verdi

Ёки

Gökten inen dört kitabı

Günde bin kez okur isen

Ёки

Dört kitabın manasın Mustafa cem eyledi

Onu unuttun benzer, serh ile söz atarsın.

Тўрт мазҳаб, яъни Ҳанафий, Шофийий, Моликий, Ханбалиларга аталган қуйидаги тўртлик ҳам мисол бўла олади:

Dört kitab dört mezhep adem eşyadır

Ol mahbubun ismi ruha gidadır

Söyleyen söyleden nütük – i Huda’dır

Tuti lisan eden kendidir kendi

Ali ismi dört kitapta okunur

La ilahe illahtır yazılı

Zikr edeni Azazilden sakinir

La ilahe illahtır yazılı

Batil dava kilmam birdir pazarım

Anın için böyle şer – mest geçerim

Üç huruftan dört kitabı yazarım

Okudum defteri divana geldim¹.

“Беш” сони халқ оғзаки ижодиётининг севимли рақамларидан биридир. Эртақ ва дostonларда бу рақам кўпинча вақт билан боғлиқ “beş gese - gündüz” (беш кеча кундуз), “beş gün yaşamak” каби иборалар таркибида иштирок этади.

Фольклор асарларидаги “Beş günlü dünya” ибораси ўткинчи, қисқа вақт маъноларини англатади. Бу ибора қадимги санок системаси таъсирида шаклланган вақт ҳисоби билан боғлиқ.

Турк қабилалари осмондаги беш сайёрани алоҳида номлар билан номлаб, тимсоллаштирганликларини XIII аср ёзма ёдгорлиги бўлган “Солнома” талқинларида ҳам кўриш мумкин². Муаллифи номаълум бу асарда ҳар бир сайёра ҳафтанинг муайян кунига тааллуқли деб тушунтирилади. Агар қуёш ва ойни ҳисобга олмаган ҳафтанинг якшанба ва душанбадан ташқари қолган беш куни беш сайёрага тааллуқли бўлиб қолади:

Salı – (сешанба) – Миррих (Марс) га

Çarşamba – (чоршанба) – Уторуд – (Сатурн) га

Perşembe – (пайшанба) – Муштарий (Меркурий) га

Cuma – (жума) – Зухро (Венера) га

Cumartesi – (шанба) – Зуҳал (Юпитер) га

тааллуқлидир.

Турк маданиятида, қолаверса ислом динимизда муҳим ўрин эгаллаган.

“Беш” сони турк халқ оғзаки ижодида ҳам қўшиқларида қўлланилиб “Aşık” яъни - бахшилар томонидан ижро этилиб келинмоқда.

Масалан:

Vaiz olsun camilerde sakisan

Beş vaktin kilmayana kakisan

¹Türkiye türküleri örnekleri (Prof Saadet ÇağDTCF yayini, Ank. 1984)

²Aksan Doğan, Anlambilim, Engin Yayınevi, - Ankara, 1999.

Dört kitabı ders eylese okusan
Ali evliyadır bilmeyince fayda yok.

Тўртликнинг иккинчи мисрасидаги “беш” сўзи-беш вақт намоз ифодасини беради.

Beşlerde o kâriyi actılar
Muhabbete misk ü amber saçtılar
Hakliyi haksizi orda seçtiler
Suçlu olanlara yer bulunurmu

Üçleri bil, beşleri bil, yedileri, kirkleri bil
Hazir gaibi gerçek var olan sultani bil
Sin göründü hem cü dem ustadimizdan yadigar
Nem kepenekli denildi Baba Bengi vari bil.

Юқоридаги тўртликларнинг илк мисраларидаги «Beşler», яъни бешлар ва “кари”, яъни эшик рамзларига тўхталиб ўтсак.

“Beşler” сўзи-Ахли байт, яъни ҳазрати Муҳаммад, ҳазрати Али, ҳазрати Фотима, ҳазрати Хасан ва ҳазрати Хусайнларни ифодалаб, “эшик” (кари) рамзи ҳақиқат тушунчасини англатади¹. Қуйидаги тўртлик юқорида мисол қилиб кўрсатилган мисраларга қўшимча ўрнак бўла олади.

Üçler bu alemde birlige yettin
Beşlerde onların damenin tutu
Birlik lokmasını yediler yuttu
Damenî pak olan pîrler de billah

Üçler beşler kirkler yediler
Riza sofrasında lokman verdiler
Canlı cenazemi yere serdiler

¹Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. 13 жилдлар. – Тошкент, 1960 – 1963.

Doldur saki doldur beşler aşkına

Ушбу тўртликнинг иккинчи мисрасидаги “бешлар” ҳам Аҳли байтнинг ифодалаб илк мисрадаги “учлар” сўзи – Оллоҳ, хазрати Муҳаммад ва хазрати Алини рамз этади.

1.2. Етти рақамининг маъно ҳақиқати ва сирлари

Туркий халқлар қадим замонлардан бери етти рақамини омад, бахт ва эзгулик рамзи деб билганлар ва маросимларда, фольклор асарларида анъанавий тарзда қўллаганлар.

Етти мумтоз адабиётимизда энг кўп қўлланилган ва турли – туман маъноларни ифодалашга ҳизмат қилган рақамлардан биридир.

Маълумки, туркий халқларнинг қадимги мифологик ва диний қарашлари ҳамда оғзаки ижодиётида бу рақам жуда муҳим ўрин эгаллаган. Етти рақамининг ёзма адабиётида ишлатилиши ҳам узоқ тарихга эгадир.

“Ўнгин ва Чўйрек” битиктошларида – дейди Маматқул Жўраев, - “Йати эран” - етти ўғлон образи қайд этилган. Ёдномалар матнида кетма-кет қўлланилган “етти” рақами математик миқдордан кўра, кўпроқ рамзий маъно англатаётганга ўхшайди. Аслида Елтимеш ҳоқонга қарши бош кўтарган Ўғуз сардорининг сони бирмунча кўп бўлсада, улар ёдномада еттита деб талқин қилинаверади.

Бундай ҳолат фақат туркий халқлар учун эмас, бошқа халқлар учун ҳам хос бўлган. Олимларнинг маълумот беришларига кўра, арабча “етти” сўзи фақат математик миқдорни акс эттирмасдан, айна замонда кўплик мазмунини ҳам ифодалаган.

Ал-Қуртубийнинг ёзишича, эскилар “етти кўк”, “етти қават ер” таъбирини ёлғиз ер ва кўкнинг табақалари учун эмас, балки малаклар олами, шайтон, маъдан, ўсимликлар олами, ҳайвонлар ва инсонлар олами мазмунида ҳам тадбиқ ва талқин қилганлар¹.

¹Türk türküleri örnekleri (Prof Saadet ÇağDTCF yayini, Ank. 1984)

Тасаввуф таълимоти ва адабиётида етти рақамига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг билан боғлиқ маънолар чегараси тасаввур этиш қийин бўлган даражада кенгайтирилган.

Етти рақамининг маъно ҳақиқати ва сирлари мазҳаб, тариқат, таълимотлар ғоявий, мафкуравий талаб ва тушунчаларига қараб ҳам ўзгариб борган. Масалан, Ҳуруфийлик ақидаларига асосланган шеърларда етти рақами орқали нисбатан бошқача мақсадлар илгари сурилган. Туркий халқлари орасида “Yedi mucize” - етти мўъжиза, “Yedi hazine” - етти хазина, “Yedi tur renk” - етти хил ранг, “Yedi gökyüzü” - етти фалак каби тушунчалар ҳам учрайдики, улар ҳам ана шу “сеҳрли” рақамнинг ғаройиб саргузаштлари билан боғлиқдир. Бу тушунчаларнинг айримлари жуда қадим замонлардан бери инсониятни лол қолдириб келмоқда.

Халқ оғзаки ижодиётида “етти” рақамига азалдан алоҳида эътибор берилганлиги сабабли бу ўринда ҳам мазкур миқдор белгиси анъанавий тарзда олинган ва мўъжиза деса арзигулик санъат ва архитектура ёдгорликлари жуда кўплигига қарамасдан улар ҳамон “етти мўъжиза” номи билан аталиб келинмоқда. Бинобарин, етти рақами билан боғлиқ халқ қарашларини ўрганиш қадим даврларда яшаган боболаримизнинг турмуш тарзини, маънавий оламини, заковат қудратини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Тахминан минг йилча муқаддам Бухоро аркининг қурилиши ҳақида ғалати бир афсона пайдо бўлган эди. Муаррих Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” номли асарида айтилишича бу обида осмондаги Етти қароқчи юлдузлари шаклидаги еттита бош устига қурилган эмиш¹.

¹ Жамол Курноз. Мустафо Тотчи. Амир Бухорий. – Анқара, 1999. –Б.58.

Шунингдек Истанбул, Рим, Киев каби шаҳарлар ҳам еттита тепалик устига жойлашган деган гаплар бор. Ҳатто Тошкентни “етти қиру, етти ўр устига қурилган” дейишади. Текширувларда шаҳримиз асосидаги тепаликлар сони бундан кўпроқлиги маълум бўлади, чамаси бу ўринда етти сони анъанавий тарзда олинган экан.

Ўрта Осиё халқлари қиш фаслини еттига бўлишган:

1. Катта чилла.
2. Кичик чилла.
3. Қакрайла.
4. Сарик сумалак.
5. Хут – ют.
6. Аҳмон – даҳмон.
7. Айёми азиз – аямажуз.

Қадим замонларданоқ одамлар «Етти» ни хайрли рақам деб билишган. Манбаларда кўрсатилишича шарқий Туркистонда ой календари бўйича еттинчи ойнинг биринчи – еттинчи кунлари маҳсус рақс ижро этилган ва одамлар бир – бирларининг устиларига, йўлларга сув сепишган. Фикримизча бу маросим орқали одамлар табиатдан сув, ёмғир ва қулай об – ҳаво тилашган.

Қадимги туркий халқларнинг яна бир одатига кўра илгарилари қизлар сочини еттита қилиб ўришган. Соч тоқ қилиб ўрилса, жуфт бўлай деб ўсар эмиш!

“Етти донишманд” (Yedi Hakim) ҳақидаги афсонавий қарашлар ва эътиқодлар Ўрта Осиё ва туркий халқлар эртак афсона ва мифологиясида ҳам мавжуд. Бу образнинг асоси фикримизча қадимги одамнинг коинот тўғрисидаги ибтидоий қарашларга бориб тақалади.

Осмондаги етти сайёра, Етти қароқчи юлдузлари маълум маросимларни ўтказишда муҳим роль ўйнаган. Аста – секин само ёритқичлари ҳақида турли – туман афсоналар тўқилган. Хиндлар етти қароқчи юлдузларни етти Худо номи билан атаб, муқаддаслаштирганликлари, Бобилликлар ҳам етти

сайёра ўз донишмандларининг номини қўйиб сиғинганлар¹. Бора бора халқ оғзаки ижодиётида “Етти донишманд” образи анъанавийлашиб кетган.

Туркий халқлар фольклорида Хизир образининг талқини кўпинча етти рақами билан боғлиқдир. Халқимизнинг орасида “Еттининг бири Хизир” деган ибора бор. Айитишларича Хизир абадий барҳаётлик, ўлмас табиат ва баҳор тимсолидир.

Эртақ ва дostonларда йўлдан адашган ёки мушкул вазифани бажаришни зиммасига олиб сафарга отланган баҳодирларга бу афсонавий ҳомий доим ёрдам қўлини чўзади: У зарур пайтда бошига оғир кулфат тушган кишини ўз паноҳига олувчи, эпик образ характерини тўлдирувчи афсонавий саргузаштларнинг ниҳоятда қизиқарли тасвирланишини таминловчи бадиий – мифологик образлардан биридир. Халқимизнинг тириклик булоғи ёки обиҳаёт суви ҳақидаги қадимий қарашлари ҳам Хизир номи билан боғлиқ.

“Авесто” да тасвирланишича, эзгулик ҳомийлари раҳнамози Ахура Мазда олтига “барҳаёт азизлари” билан “етти тангри” бўлиб юрган². Хизир ҳақидаги халқ қарашлари қадимги Аму воҳаси афсоналаридаги “етти барҳаёт азизлари” образларига бориб тақалади. Хизир – етти ҳомийлардан бири, сув ва ҳаёт тимсолидир “еттининг бири Хизир” иборасининг замиридаги тарихий – мифологик тилсимнинг сири ҳам ана шунда. Шунинг учун ўғил болаларнинг бош кийимларига дарё тубидан олинган етти дона қора тош солинган тумор тикилган. Кексалар бу тошлар болани ҳар хил ёвуз руҳлардан асрайди деб ўйлашган.

Туркий қолаверса Ўрта Осиё халқларининг удумига кўра, етти пуштини билиш аждодларга эҳтиром, ота боболар хотирасига таъзимнинг бир кўринишидир. Илгарилари сўралган етти аждод кимлигини айтиб беролмаслик айб ҳисобланган. Зеро «Yedi dedesini biler er, Yedi yurtun

¹Азизов С., Жабборов Н. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида фалакий атамалар талқини // Имом ал – Бухорий сабоқлари. – 2001. – 1 – сон. – Б. 92.

²Авесто. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.334.

derdin yer» (Етти бобони билган эр, етти юртнинг ғамини ер) мақолининг замиридаги поэтик ҳақиқат ҳам боболар сиймосининг беқиёс ҳурматидир. Қадимги аждодларимиз етти ота бобоси кимлигини жуда яхши билишган. Туркий халқлар тарихига оид қадимги шарқ қўлёмаларини синчиклаб ўрганган таниқли олим Н.В.Кюнернинг ёзишича VII - VIIIасрларда Уйғур хоқонлари салтанатида етти аждодини эъзозлаш анъанаси расм бўлган экан¹.

756 йилда тахтга ўтирган Ябғу қабиласи сардори Инсо Босининг етти аждодини донишмандлар қуйидагича шарҳлашган:

1. Хуехе (яъни Уйғур)
2. Пуғу (яъни Буғу)
3. Хун
4. Байғу
5. Тунло
6. Сицзе
7. Цибиюй

Қадимги туркларнинг шажара системасидаги “Yedi dede” (етти аждод) анъанаси тарихий-бадий ёдномаларда ҳам тез – тез тилга олинади. Ҳатто Тан сулоласининг солномаларида ҳам туркий қавмлар тарихи етти аждод тарихи асосида ёритилади.

Ўтмишда боболаримиз тарих ўгиришда, маълум воқеа – ҳодиса, жанг ёки сафар санасини аниқлашда, қон-қариндошлик, мерос, никоҳ муносабатларини ўрнатишда етти аждодни асосий мезон ҳисоблашган. Шажара системасидаги еттинчи аждоддан нарисси фарзанд учун бегона ҳисобланган. Тилимизда “Етти ёт бегона” ибораси бежиз қўлланилмайди. Чунки қондошлик муносабатидаги қуйи йўналишга кўра маълум киши ўзидан бурун ўтган боболарини етти аждодигача таниган. Етти аждодида умумийлик бўлмаган одамлар бир – бирларига “Етти ёт бегона”

¹Н.В.Кюнер. Загадки известных книг. М., Наука, 1986. – С.45.

ҳисобланишган. Халқ кўшиқларида бу ибора мана бундай қўлланилади:

Эшигингдан мен ўтарман,
Етти ётлардан баттар,
Сизнинг қўйган доғларингиз,
Ўлсам юракдан кетар.

Отадан кейин давом этувчи фарзанд йўналиши ҳам етти авлодгача қариндош

саналган. Хуллас отадан кейин давом этувчи авлод ҳам еттита:

1. Фарзанд
2. Невара
3. Чевара
4. Эвара
5. Кабира
6. Овара
7. Бегона

Бегонадан туғилган бола “Ота” (етти аجدоднинг боши) учун қариндош ҳисобланмаган.

Таниқли уйғур олими И.Исмоиловнинг ёзишича, қон – қариндошлик ёки ота – онадан тарқалган авлод уруғни ифодалаш учун еттита термин мавжуд бўлиб, у туркий тилларнинг фақат иккитасида, яъни ўзбек ва уйғур тилларида сақланиб қолган¹. Уйғурлар етти авлодни қуйидаги номлар билан атайдилар:

1. Авлод – бола
2. Авлод – навра
3. Авлод – чавра
4. Авлод – авра
5. Авлод – пай
6. Авлод – кукун, навра

¹И.Н. Исмоилов . Уйғур адабиёти тарихи. – М., 1976

7. Авлод – ят навра.

Қадимги одам тасавурида вақт тушунчаси асосан, етти рақами билан боғлиқ эди. Турмушда ой календаридан фойдаланган ибтидоий овчи ой фазаларининг ҳар етти кунда алмашилиб туриши, осмондаги етти ўзгарувчи сайёра (ой, қуёш, муштарий, миррих, зухро, уторут, зухал) га асосланиб етти кунлик вақт бирлиги – ҳафтани яратган.

Вақт ҳисобининг асосий траекторияси етти кундан етти аждодгача чўзилган эди. Етти аждод ва етти авлод маълум маънода ўзига хос вақт бирлиги астрономик ўлчаш ифодаси роллини ўтаган бўлиши керак.

Ҳатто машҳур олим Оқар.М таълимотига кўра инсон ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар ҳар етти кун, етти ой, етти йилда рўй берар эмиш¹.

Маълум бўлишича, ўтмишда халқимиз дунёда одамни боқадиган ва бой қиладиган етти хазина “Yedi hazine” бор деб билганлар. Улар қуйидагилар:

1. Inek – (сигир) рўзғорнинг қассоби ва баққоли
2. Aḡi – (асал ари) оиланинг табиби
3. Ipek kurtu – (ипак қурти) қизларнинг сепи
4. Yaḡ – (ёғ) қозонинг ёғи
5. Deḡirmen – (тегирмон) қорининг белбоғи
6. orman – (ўрмон) иморат суяги, қозон олови
7. Tavuk – (товуқ) ҳам оби ёвғон, ҳам дори дармон

Етти хазина “Yedi hazine” га айнан шу нарсалар киритилишининг ҳам муайян сабаблари бор албатта. Чунки инсон ҳаёти учун зарур бўлган нарса, ходиса ёки маҳсулотлар аслида жудаям кўп, у ҳолда етти хазина дейишининг боиси боболаримиз қадим замонларданок етти рақамига алоҳида аҳамият бергани сабабли бу ўринда ҳам хазиналар сони ўша

¹ Оқар, Метин . Турк адабиётида манзум меърожномалар. – Анқара, 1987. –Б.355.

“сеҳрли” рақам ҳақидаги эътиқодлар таъсирида “еттита” деб белгиланаверган.

Демак инсоннинг кундалик турмуши учун зарур бўлган нарса ва ходисаларни “Етти хазина” сифатида умумлаштириш анъанаси шарқ халқлари фольклорининг қадимий қатламларига хосдир. Зеро бу тушунча турк фольклорининг турли жанрларида қўлланилган бўлиб айрим эртақ ва дostonларда ҳанузгача сақланиб қолган.

“Yedi hazine” (етти хазина) тушунчаси шарқ халқлари фольклорига қатор анъанавий мотивларнинг туғилишига асос бўлган.

Элчилик – элни эл билан, дилни дил билан боғлайдиган олижаноб вазифа. Шу сабабли элчилар сони еттита бўлиши ҳам маълум рамзий маъно англатади. Халқимиз тасавурида ер юзи етти иқлимга бўлинган, шу ўлкаларнинг ҳар бирининг ўз “эга” си бор эмиш. “Сабъаи сайёра” ёки “етти кезувчи” образи ҳам етти иқлим ҳақидаги тасавурлар яратилишига асос бўлган

Достон халқ дунёқарашини, удум ва эътиқодларини акс эттиради. Гўрўғли хузурига йўлланган элчилар сони олтита ёки саккизта эмас, айнан еттита эканлигида халқимизнинг “сеҳрли” етти рақами ҳақидаги эътиқодига ишора бор.

Турк халқ дostonлари ва эртақларида етти рақами ёки унинг кўпайтмаси ўн тўрт элчилар сонини ифодаловчи доимий эпик миқдор вазифасини бажаради.

Қадимги шарқ тарихининг теран тадқиқотчиси К.Иностранцевнинг ёзишича, Эронда ҳукмронлик қилган Сосонийлар саройида наврўз тантаналари нишонланганда етти рақамига қатъий амал қилишган экан¹. Ўша куни эрта тонгданоқ шоҳга еттита идишда етти ҳил таом тақдим этилган. Шоҳона зиёфат чоғида дастурхонга етти коса, етти пиёла, етти

¹К. Иностранцев. Семантика чисел. – М., Наука, 1980. – С. 87.

кадах қўйилган. Тантана айна авжига чиққанда эса, қўли гул пазандалар етти косада сумалак кўтариб киришган.

Наврўзда кўкламнинг етти кўкатиани ҳозирлаш анъанаси шарқ халқларининг айрим қишлоқларида ҳанузгача сақланиб қолган. Бу одат Афғон тилида «ҳафт син», яъни “етти с” деб аталади. Анъанага кўра “ҳафт син” номи “с” ҳарфи билан бошланадиган етти хил неъматдан иборат бўлади:

1. Сумалак
2. Сабзи
3. Сўзан ҳолваси
4. Сиб (олма)
5. Сэнжед (жийда)
6. Саршир (қаймоқ)
7. Саримсоқ

каби неъматлар “ҳафт син” таркибига кирувчи таомлар саналади.

Жаҳоннинг турли жойларида яшаган элатлар фольклорида етти соҳибжамол қиз ҳақида хилма-хил афсоналар мавжуд. Шарқ адабиётида қадимдан машҳур бўлган “Ўғузларнинг етти маликаси” ҳақидаги афсона мавжуд...

Сўлим боғлар қўйнидаги кичкина қишлоқда етти нафар соҳибжамол қиз яшаган экан. Гўзаллар ҳуснининг овозаси эл орасида дoston бўлибди бундан хабар топган золим хон одобли ва чиройли қизларга уйланиш ҳаракатига тушибди. Гўзаллар фосиқ хоннинг таклифига қатъий рад жавобини берибдилар. Ғазабланган хон ўз истагини зўрлик йўли билан амалга оширмакчи бўлибди ва қизларни тутиб ҳарамга келтиришни амр этибди. Хон сарбозлари қишлоққа бостириб киришибди. Хоннинг қабих ниятидан беҳабар, одатдагидай боғ сайрига чиқган қизларнинг бири гул терар, бири арғамчи учар экан. Шу пайт қий – чув кўтарилиб, ёв бостириб кела бошлайди. Хон малайлари оч бўридай ёпирилаётганини кўрган қизлар шоҳона саройга умрбод банди бўлгандан кўра покликни афзал билиб

тангрига илтижо қилибдилар. Шунда кучли довул кўтарилиб, ҳамма нарса гўзал боғу пари қизлар бари кўздан ғойиб бўлган эмиш. Яшнаган боғ ўрнида етти туп юлғун ўсимлиги пайдо бўлибди.

Алишер Навоий “Хамса” сининг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр” да етти рақами хақидаги халқ қарашлари тўла сақланиб қолган. Халқ турмушини, анъаналарини яхши билган шоир етти рақами билан алоқадор тушунчалари Ўрта Осиёда яшаган қадимги элатлар дунёқарашига бориб тақалади. Ҳатто аждодларимизнинг афсона ва ривоятлари мажмуаси “Авесто” да айитилишича, олам етти қисмга бўлинади. “Етти киршвор”, яъни “Етти иқлим” деб аталувчи бу бўлинишга кўра олам етти иқлимга бўлинади. Олтинчи қисмининг марказида жойлашган еттинчи иқлим – Хоразмдир. Буни қарангки, “Сабъаи сайёр” да ҳам еттинчи куни оқ қасрда Баҳром шохни қаршилаган гўзал еттинчи иқлим – Хоразмдан эди. Навоий еттинчи иқлим ҳақидаги анъанавий халқ қарашларига таяниб туриб етти гўзал образини яратган.

Хулкар юлдузини етти қиз деб тушуниш жаҳоннинг яна кўплаб халқларига маълум. Гермон, фин – угор қабила бирлашмаларига кирган элатлар, осетин ва хакаслар ҳам Хулкарни “етти юлду” ёки “етти опа – сингил” деб аташади. Туркий халқлар ҳам қадим замонлардан бери Хулкар юлдузини етти гўзал қиз сифатида тасаввур қилганлар.

Тоғли Олтойнинг олис қишлоқларидан бирида, ғалати одатга дуч келганлиги ҳақида таниқли саёҳатчи Г.Потонинг ҳайратланиб шундай ёзган эди: “Ҳар бир ҳонадонда етти латта қўғирчоқ осиб қўйилар экан”. Маълум бўлишича, бу етти қўғирчоқ маҳаллий халқ тасавурида эзгулик ҳомийси сифатида ўрнашган Хулкар юлдузи рамзи экан.

Олтой достони ва турк халқ эртақларидаги кўмакчи образлари бир – бирига жуда яқин. Айниқса, анъанавий уч шартни бажаришда қахрамонларга кўмаклашадиган етти ҳомийнинг мифологик табиати тўла намоён бўлади.

Етти рақамига алоҳида аҳамият берилгани туфайли мўъжизаларни ҳам еттига етказишган¹. Булар:

- “Миср Эҳром” ларидир – милoddан аввалги 2800 йилларда Ҳуфу ва Ҳафрога атаб қурилган.
- “Артемида” ибодатхонаси VI-VII асрларда Эфес шаҳрида маъбуда Артемида шаънига бунёд етилган ибодатхона.
- “Бобилнинг Муаллақ Боғлари” - икки дарё Фират ва Дажла оралиғида жойлашган Бобил (Вавилон) шаҳрида бўлган.
- “Гапикарнос Даҳмаси” - кичик Осиё соҳилида жойлашган юнон шаҳарларидан биридир. Макбара Мавсол шоҳ малика Артемис учун барпо этилган.
- “Колпос” - милoddан олдинги IV асрда Юнонистондаги Радос оролида Куёш худоси Гелиос шарафига ўрнатилган ҳайкалдир.
- “Зевс ҳайкали” - қадимги оламнинг машҳур етти Мўъжизасидан фақат биттасигина дунёнинг Европа қисмида жойлашган. Олимпиянинг энг муқаддас жойи буюк Фидий ижоди маҳсули бўлмиш Зевс ҳайкали ва ибодатхонасидир.
- “Искандар маёғи”

Ушбу сон турк халқ оғзаки ижодида ҳам, “aşık”, яъни бахшилар ижросида кўпгина кўшиқларда қўлланилган.

Масалан:

Serangayi imiş arşin yücesi

Duldul imiş Kanberi'nin hocasi

Server Muhammedin Mirac gecesi

Yedincide aslan olan padişah.

Юқорида кўрсатилган тўртликнинг сўнги мисрасидаги “Yedincide” сўзи, еттинчи тўғрироғи еттинчи фалак маъносини ифодалайди.

¹Евсюков. В.В. Мыфи о вселенной. – Новосибирск, 1988. – С.174.

“Етти” сони турклар томонидан муқаддас ҳисобланиб, бир қанча тарихий воқеа ҳодисалар айнан шу сон билан боғлиқдир. Масалан: Жоҳилия, яъни Ислом динидан аввал, Олтой турклари ойнанинг тутилишини “Етти бошли дев” нинг иши деб ҳисоблаганлар.

Истанбул шаҳрида жойлашган Сулаймония масжиди етти йилда қурилган.

Туркларнинг ишонишларига караганда, Қутуб юлдузида жойлашган катта айиқни – “Yedi beksi”, яъни етти қўриқчи деб билганлар ва афсоналарга караганда, турклар ерни етти бўлакдан иборат деб ишонганлар¹.

Етти сони халқ оғзаки ижодида нафақат рамз сифатида, балки кенг кўламда фойдаланилган.

Масалан:

Münkirin gidasi Hak'tan kesildi
Nesimi yüzüldü Mansur asildi
Dünya yedi kere doldu issildi
Dolduran Muhammed keen Ali'dir

Ёки

Musahipsiz yedi adim varilmaz
Irfan olmayınca agu yudulmaz

Yıllarsız deve katara gelmez
Hakk'in bir ikrarin kime verdin sen

Ва

Toprak yurt bulmaya güvercin uçtu
Yedi yıl deryada hem kanat açtı
Bir yeşil kubbeye kondu konuştu
Bir avuç turanın soçaniyiz biz.

¹Абдурахмон Гўзал. Диний дасаввуфий тарк адабиёти. – Анкара, 1990. – Б.410.

Тўққиз ҳам турк анъаналарида кўп қўлланадиган “сеҳрли” рақамлардан биридир. Илгарилари тўйларимизда тўққиз одатига риоя қилинган. Хоразмлик совчилар қуда томонининг розилигини олиш учун келин томонга тўққиз дастурхонда рўзу – неъматлар, ширинликлар олиб боришган. Айрим жойларда “Тўққиз дастурхон” қуда томонининг совчиларга муносабатини билдирувчи восита рўълени ўтаган. Агар дастурхонлар жуфт қилиб қайтарилса, бу розилик аломати, мабода нозу – неъматларга қўл теказилмаса, бу рад жавоби берилганлигини билдирар эди.

Кейинчалик тўй маросимларининг такомиллашуви натижасида тўққиз рақами куёвнинг келинга аталган махсус совғаси маъносида қўлланила бошлаган. Ўзбек, қозоқ, тожиклар, каспий бўйи туркманларида келиннинг кийим – кечак, рўзғор буюмларидан иборат сепи ҳам “тўққиз” деб юритилган.

Фольклорда айниқса тўққиз рақамига эътибор ўзгача: эртақ қаҳрамонлари тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқада дунёга келармиш.

Гайри оддий сурагда улғайган ботир тўққиз кеча – кундуз йўл юриб илк бор қаҳрамонлик кўрсатганида эндигина тўққиз ёшга кирган бўлади. Қадимги дунё олимлари тўққиз рақамини абадийлик, боқийлик рамзи, билим, ақл ва тақдир белгиси деб ҳисоблашган¹. Оддий кара жадвалдаги саккизинчи бўлимига эътибор берган одам ғалати қонуниятни англаши қийин эмас:

$$1 \times 9 = 9$$

$$2 \times 9 = 18$$

$$3 \times 9 = 27$$

$$4 \times 9 = 36$$

$$5 \times 9 = 45$$

¹Галинская И.Л. Загадки известных книг. – М.: Наука, 1986. –С. 13.

$$6 \times 9 = 54$$

$$7 \times 9 = 63$$

$$8 \times 9 = 72$$

$$9 \times 9 = 81$$

Хуллас хар қандай ҳолатда ҳам тўққизга кўпайтирилган сонлар кўпайтмасидаги рақамлар йиғиндиси тўққизга тенгдир.

Тўққиз рақами билан боғлиқ маъно шарҳлари қадимда яратилган китобларда ҳам учрайди. Масалан: Маҳмуд Қошғарий “Девони луғатит турк” асарида “туғ” сўзига изоҳ бериб шундай ёзади:

“Туғ – туғ байроқ. Тўққиз туғли хон – тўққиз туғлик хон ёки хоқон. Қарамоғидаги шаҳар ва ўлкалар ошиб кетса ҳам, туғ тўққиздан оширилмаган, хоннинг юқори мартабаси тўққиз билан фол қилинган. Бу хон туғлари тўқ сариқ рангли шоҳи ёки ипак матодан қилинади. Бу ҳам яхши фол учундур¹”

Абулғози Баҳодирхон эса турк – мўғул халқлари орасида одатга айланган тўққиз ҳадя (тўққиз от, тўққиз чўпон, тўққиз парча бахмал) ҳақида маълумот беради.

Тўққиз ва ўттиз рақами туркий халқлар тарихи билан боғлиқ маъноларни ҳам ифодалаган. Ласзло Расонийнинг “Тарихда турклар” асарида қайд этилшича, тўққиз ва ўттиз рақамлари турк (тикнуъ) ларнинг аймақ сонларига тегишлидир. Қопоғон хоқоннинг қизига оид қабр ёзувида отаси учун “Ўттиз аймақ хоқони” таъбири тилга олинган. Бу ўттиз аймақ икки қавм зумрасидан иборат бўлган.

Тўққиз ўғуз зумраси ўн саккиз аймақдан таркиб топган:

1. Уйғур
2. Хун
3. Тунгра
4. Найирғу

¹Қошғарий М. Девони луғатит турк. – Тошкент, 1963. – Б.144.

5. Иска
6. Қалпок
7. Қарлуқ
8. Буқу
9. Басмил

Уйғурнинг ўзи ҳам тўққиз тармоққа ажралган: Яғлоқлар, Яғмур – қорлар, Қурабирлар ва бошқалар.”Шина усу” битигида ҳокон усулини ўн уйғур, тўққиз ўғуз номи билан хотирлайди. Тўққиз ўғуз ниҳоятда мутақомил бўлишига кўра қуйидаги унсурлардан ташкил топган: тўққиз тармоқли уйғур аймағи, бир уйғур аймағидан бўлмаган аймақ, саккиз ўғуз аймағи – жами ўн саккиз аймақ. Шарқий кўк турклар қопоғон ҳокон даврида ўн икки аймақни ташкил этган¹. Демак, тўққиз ва ўттиз рақамларига эътиқод қўйишнинг бир сабаби қадимги туркий халқлар тарихи билан боғлиқдир.

Тўққиз сони ҳам, қадимги туркларда муқаддас деб ҳисобланмиш сонлардан биридир. Халқ оғзаки ижоди дурдоналарида, қолаверса “Aşik”, яъни- халқ қўшиқчилари деб ҳисобланган бахшилар томонидан ижро этилган қўшиқларда, ушбу сон қуйидагича келмоқда:

Tanrı yine buyurdu:- Bitsin, dokuz dali da!
Dallar çikti hemence, dokuzlu bu daği da
Kimse bilmez Tanrı'nin düşünesi ne idi
Soylar türesin diye şöylece emir Verdi

Юқоридаги қўшиқда келган “dokuz dal” (тўққиз шох) атамаси қисқа ҳолда бўлса ҳам, изох бериб тўхталиб ўтсак.

1.3. Қадимги туркий халқларнинг Олтой достонида келган рақамлар символикаси.

Олтой яратилиш Достонига кўра, тангри ерда “тўққиз шохли” бир дарахт яратиб, ҳар бир шохнинг тагида бир донадан инсон яратгандир.

¹Рассонй, Ласзло. Тарихда турклар . – Анкара, 1988. – Б.242.

Булар инсониятнинг ирқий оталари бўлиб, бу тўққиз ота, халқ кўшиқларида “Dokuz dede”, яъни – тўққиз бобо шаклида келмоқдадир¹. Масалан қуйидаги тўртлик бунга мисол бўла олади:

Sekizimiz odun çeker
Dokuz dede ateş yakar
Kaz kaldırmış başın bakar
Kirk gün oldu kaynarım kaynamaz.

ёки

Dokuz dede kilindi, dokuz dalin kökünden
Dokuz aymak türedi, dokuz kişi özünden!

Юқоридаги тўртлик ва иккилик шаклидаги халқ оғзаки ижоди намуналаридан бўлмиш кўшиқларда келган “Dokuz dede” атамалари аввал таъкидланган “тўққиз бобо” ларни ифодаламоқдадир.

Ўн икки рақами қадимги Вавилонда, Хитой, Рим ва бошқа кўпгина давлатларда “муқаддас” ҳисобланган экан. Ҳатто Плутон ўзининг “қонунлар” асарини ўн икки китобдан иборат қилиб ёзган.

Хусусан, қадимги Анатолияда яшаган Хеттларнинг ҳосил байрамида подшо саройида ўн икки коҳин, ўн икки канизак, ўн икки деҳқон, ўн икки саркарда ҳозир бўлган. Ҳукумдор ўн икки Хетт худолари шарафига ўн икки маротаба шароб ичган ва хоказо.

Ислом ақидаларига кўра, ўн икки имом мусулмонларнинг энг азиз – авлиёлари сирасига кирармиш.

Ўн икки сони ҳам турк халқида, қолаверса турк халқ оғзаки ижодида муқаддас, деб ҳисобланган сонлардан биридир.

Ушбу сон асосан ўн икки дин улуғларига қўлланилган бўлиб, унинг иккинчи номи «ўн икки имом» дир. Тўғрироғи бу, ўн икки сони “ўн икки имом” яъни:

1. Ҳазрати Али

¹Türk Folklori (Ömer demircan, TDK. Ankara. 1977)

2. Ҳазрати Ҳусайн
3. Ҳазрати Ҳасан
4. Муҳаммад Бокир
5. Зайнал Обидин
6. Жафар – и Содик
7. Мусо – и Нозим
8. Али Ризо
9. Муҳаммад Токи
10. Али Нокий
11. Ҳасан Аскарый
12. Махдий

ларни ифодалайди.

Мен изланишларим давомида, юқоридаги «ўн икки имом» га аталган бахши “Ашӣк” лар ижросида айтилган саккизта тўртликни топишга мувофиқ бўлдим.

Бу «ўн икки имом» ларнинг исмлари қайд этилган тўртликларни “Duyazdeh imam”, айрим жойларда эса “Duyaz” деб атайдилар¹.

Oniki Imam’a niyaz eylerim
Hasan Askeri’ye halim sөylerim
Muhammed Mehdi’ye tamam eylerim
Çümle gunahima Imamlar medet,

Ёки

Gelim var geçelim biz bu gumandan
Sakin cikarmasin dinden imamdan
Sefaаt umariz oniki imam’dan
Onlarin atasi Ali deęil mi?

Ёки

¹Türk türkьleri örneкleri (Prof Saadet ÇaęDTCF yayini, Ank. 1984)

Kul Veli'yim Hakk'a niyaz ederim
Hakk'in buyurduđu yola giderim
Dinim Hak'tir hak kelami söylerim
Oniki imam'lorâ ereyim deyü

Ёки

Pir Sultan Abdal coşkuna
Gel otur gönül köşküne
Oniki imam aşkına
Ben bu şeri vere geldim

Ёки

Bizlerdedir Hünkâr Bektaş Veliler
Kerbelâ çölünün seli bizdedir
Eli züfîkarli Ali bizdedir

Çevvirdiler beni her bendim bađl,
Münafiđin elinden ciđerim dađli,

Oniki imam hesli Yan Yatir ođlu
Gidin pirim gidin sefalar ile

Ba

Evden destür ile yürüttüm ati
Daim dilinizden kesme müğreti

Yetiş oniki imam kaderim kötü
Kaderim yalvarrim oniki imama

Ba

Yetiş oniki imam sen tut elimden
Kurtarmali beni münkir zulundan
Daha ev uşāđi bilmez halimden

Kaderim yalvarrim oniki imama

Muhammet Alidir bizim pirimiz
Münafik elinden çoktur zorumuz
Arkasiz kalesiz düştü yolumuz
Kaderim yalvarrim oniki imama

Der ki Aşık Ali karadir yazi
Kâr etti bağrima münkirin sözü
Yuvada biraktik gelini kizi
Kaderim yalvarrim oniki imama

Юқоридаги 1883 – 1965 йилларда истиқомат қилган турк халқ бахшиси Aşık Ali (Topal Ali) қаламига мансуб сўн беш тўртликларда келган “Ўн икки Имом” атамаси халқ оғзидан куйланган пайтда – Oniki imam, ҳолида ижро этилмоқдадир.

ёки:

Söyler Avcı Alim sörün tamamı
Dilimden birakmam Oniki imami
Mevlām nasip etsin imami
Olüm kapimizi çaldığı zaman.

Ўн икки рақамининг диний мифологиядан мустахкам ўрин олганлигининг сабаби шуки, қадим замонларда ўн иккилик саноқ усули мавжуд бўлган¹. Ўн икки юлдуз буржлари, бир йилнинг ўн иккига бўлинганлиги, қўлимиздаги соатларимизга чизилган ўн иккита рақам ҳам ҳозир ҳеч кимни ажаблантирмайди. Аслида эса ўн икки сони билан боғлиқ бир қатор халқ қарашлари мавжудки улар бир вақтлар одамлар билан ўн иккидан катта рақамни билишмаганликларини кўрсатади. Бу саноқ усулига

¹Жўраев М. - «сеҳрли» рақамлар сири. – Тошкент, 1990. - Б.47.

кўра, ўн икки санокнинг чеки вазифасини бажарган, яъни ўн иккида санок тугаган. Ўн иккидан катта миқдорни қадимги одам кўп сўзи билан ифодалаган. Шунинг учун ҳам кундалик турмушда ишлатиладиган айрим ўлчов бирликларининг миқдор ифодасини белгилашда ана шу қадимий санок усули асосга олинган.

Масалан, “дюжина” ўлчов бирлиги учун – ўн икки рақами асосга олинган. Европада нарса ва предметларни ҳисобини олишда қўлланиладиган бир “дюжина” – ўн икки донани, бир “гросс” – ўн икки дюжинани, бир “масса” – ўн икки гроссни англатади. Шунингдек бир фут ўн икки дюм, бир шиллинг – ўн икки пенсдан иборат.

Ўн уч қадимги шарқда бу рақамнинг сири қуйидагича изохланади. Ўтмишда яшаган Вавилонлик математикларнинг фикрича, ўзи ва бирдан бошқа бирорта ҳам рақамга бўлинмайдиган бу “мохов” рақам санок системасидаги бошқа сонлардан шуниси билан фарқ қилиб турар экан. Ҳисоб – китоб илми ҳали унчалик тараққий этмаган қадимги даврларда ўн уч рақамининг бу ғайри оддий хусусият одамларга “ёқмаган” бўлса ажаб эмас.

“Ҳосиятсиз” лик аломати бўлиб жаҳон халқларига кўп ташвиш келтирган ўн уч сони “М” харфи билан ифодаланган. Тасодифни қарангки, қадимги яхудий тилида “ўлим” маъносини англатувчи “мем” сўзи ҳам шу харф билан бошланган¹. Хурофий тасаввурларнинг таъсири кучи бўлган ўша замонларда ўн уч рақамининг “ҳосиятсиз” сўз билан алоқадорлиги эътибордан четда қолмаган. Чет эл меҳмонхоналарида ўн уч бахтсиз сон ўрнига 12^а рақамини илиб қўядилар. Бироқ туркий халқларда ўн уч сони ҳосиятсиз сонлар синфига киритилмаган. Бунинг сабаби эса Истанбул шаҳридаги Аясофия масжиди ўн уч йил давомида қуриб битказилган, шунинг учун ўн уч рақами туркий халқларда ҳосиятли рақам ҳисобланади.

¹Жўраев М. - «сеҳрли» рақамлар сири. – Тошкент, 1990. - Б.45.

Қирқ тилимизда бу рақам иштирок этган сўз, сўз бирикмалари ва иборалари шу қадар кўпки, уларнинг ҳар бири боболаримизнинг қадимги эътиқодлари билан боғлиқдир.

Боболаримиз саратоннинг жазирамаси бошланган кезлари “ёз чилласи кирди” дейдилар. Чилла сўзи ёз ва қиш фаслининг энг иссиқ (25 июнь – 5 август) ва энг совуқ (25 декабрь – 5 февраль) қирқ кунлик муддатини англатади.

Шарқ халқларининг маросимлари ва урф – одатларида қирқ сони ўзига хос анъана сифатида қўлланилган. Чақалоқнинг туғилиши, келин тушириш ёки дафн маросими билан боғлиқ удумларда бу рақамга алоҳида аҳамият берадилар. Янги фарзанд кўрган аёл қирқ кунлик чиллалик даврини ўтаган. Тожик тилида “Чилла” қирқ кунлик муддатни англатади. Гўё чиллалик даврида она – болани ёвуз кучлар таъқиб қилиб юришармиш шу сабабли инқилобдан бурун она ҳеч қаерга чиқмаган, фарзандини бегона кишиларга кўрсатмаган.

Туркий халқларнинг исломгача бўлган даврида бола туғилган кунданок унга “ит кўйлак” кийдирганлар. Ўтмишда расм бўлган бу удумга кўра, гўё бола ҳаётининг дастлабки кунларида хавф солиши мумкин бўлган бало – қазо итга ёпишсин деган мақсадда бундай кийим кийдирилган¹.

Келинлик чилласи деган гаплар ҳам аслида ана шу “сеҳрли” қирқ рақами билан боғлиқ. Тўйдан кейинги қирқ кун давомида келин уйда ёлғиз қолдирилмаган. Кексалар қирқ кунгача янги келиннинг чилласи чиқмагунча фарзанд кўрмаган ёки тукқан бўлсада, боласи турмаган аёлларни уй ишларига аралаштирмаганлар. Гўё келинлик уйга бефарзанд аёлнинг қадами тегса, келинчак ҳам бола кўрмайди деб ирим қилишган.

Г.П.Снесаревнинг ёзишича, аждодларимиз тасаввурларига кўра “чилла” бу қирқ кунлик муддат бўлиб, аёллар бу даврда рамзий маънода “нопок”

¹Рассонй, Ласзло. Тарихда турклар . – Анкара, 1988. – Б.245.

ҳисобланганлар. Шунинг учун чиллалик аёлга ёвуз кучлар кўпроқ хуруж қилиши мумкин деб ҳисоблаганлар. Шу сабабли илгарилари чақалоқ чилласи, келинлик чилласи анъаналарига қаттиқ риоя қилишган. Туркий элатлар фольклорида қирқ рақами одатдаги магик ёки сеҳрли рақам саналади. Туркий халқлар фольклорида қирқ рақамига алоҳида эътибор берилар экан, бу рақамни муқаддаслаштиришнинг илдизлари ҳам халқ оғзаки ижоди пайдо бўлган қадимги замонларга бориб тақалади. Бу рақам билан боғлиқ кўп иримларнинг халқ ижодида сақланиб қолишининг боиси ҳам шунда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қирқ аниқ бир миқдорни, сонни аниқ билмайди. Эртан ва дostonлардаги “қирқ кунлик муддат” ва “қирқ кунлик масофа” тушунчалари ифодасини эмас, балки ўша масофа ва вақтнинг чексизлигини билдиради.

Турклар томонидан ва халқ оғзаки ижодиётида, қирқ сони ҳам қолган сонлар каби муқаддас ҳисобланади.

“Aşik”, яъни бахшилар томонидан ижро этилган кўшиқларда эса, ҳазрати Али раҳбарлик қилган қирқ кишини – “қирқлар” ва улар иштирокидаги мажлисларни – “kirklar meclisi”, яъни қирқлар мажлиси дейилади.

Kirklar meclizine vardim
Gelberi eycan dediler
Izzet ile selam verdim
Gel işte meydan dediler

Ёки

Ağlatmak isterse Mevla bir kulu
Dirler ona verir manada nolu
Kirklar meclizine uğrarsa yolu
Ona verin içsin bir bade derler ¹

¹Умар Жайлон. Тасаввуфий шеър шарҳлари. - Истанбул, 2000.--Б.222.

Ушбу тўртликлардан иборат бўлган халқ оғзаки ижоди намунасининг илк мисрасидаги “kirklar meclisi” сўзлари, ҳазрати Али раҳбарлигидаги қирқ киши иштирокидаги мажлисни ифодалайди.

Юқоридаги изоҳга қўшимча қилиб, қуйидаги халқ оғзаки ижоди дурдоналарини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин:

Payim gelir erenlerin payından
Muhammet neslinden Ali soyundan

Kirklar ezdiği engür suyundan
Bir sen iç sevdiğim bir de bana ver

Üçler, onikiler şaki görürsün
Kirklardan badeyi baki görürsün
Bol yerde kuffara eyedi kahri
Ol dem kılıc aldı pirim eline

Ёки

Kirklar arzeyledi Elmali sehri
Bogazhisarında a boldu hehri
Bol yerde kuffara eyedi kahri
Ol dem kiliç aldı pirim eline

Pirler nese olmuş şirin şeşinden
Bir bade içtin mi kirklar taşından
Sen de giyindin mi aşk libasından
Uyan yavru uyan görevim n’ ölmüş¹

Қирқ рақами “Алпомиш” достонида учрайди. Катта жангга киришдан олдин подшоҳ қирқ кун чиллада ўтиради. Шу уруш унга жоизми, жоиз эмасми ўйлайди.

¹Раҳмонов Н. Култгин ёдномасининг поэтикаси // Ўлмас обидалар. – Тошкент, Фан: 1989. – Б.228.

Söyler Aşık Halil desinler deli
Ben de bilirdim erkani yolu
Batinında gördüm kirklarım demi
Onlarım kirki da bizden sayilir

Ba

Kirklar içtiği uzum suyundan
Ölürüm vaz geçmem ben bu huyumdan
Isparta ili aladiz köyüden
Bu gün bize hoş geldiniz erenler.

Dostum değirmenin Önünden geçmiş
Kirkların suyundan o vakit içmiş
Duydum ki sevdiğim Deynek’i geçmiş
Tesbili Hana da vermiş sevdiğim

Халқ оғзаки ижоди дурдоналарида, хусусан дoston ва масалларда – қирқ йигит, қирқ қиз, қирқ жангчи, қирқ қахрамон, қирқ келин, қирқ гўзал рамзлари – “қирқ” сони шаклида намоён бўлади¹.

Қуйидаги тўртликлар ҳам юқорида кўрсатилган шеърий шаклларга мисол бўла олади:

Kirklar fetihetti Elmali şehri
Boğazhisarinde ol boldu nehri
Bol yerde kuffara eyledi kahri
Ol dem kiliç aldi pirim eline

Ёки

Dün gece rüyamda oldum divane
Vardiğim kirkların yoludur Bolu
El bağlayıp durdum anda divana

¹Жўраев М. - «сеҳрли» рақамлар сири. – Тошкент, 1990. – Б.110.

Sundular bir kadeh doludur dolu.

Ушбу тўртликларнинг илк мисрасидаги “қирқлар” сўзи - қирқ жангчи, қирқ қахрамон, қирқ йигит, қирқ мардларни ифодалайди.

Айрим манбаларда юқорида таъкидланган тўртта, яъни – Учлар, Бешлар, Еттилар ва Қирқлар сонларини бир турликда жамланганлигини учратиш мумкин. Масалан, куйидаги халқ оғзаки ижоди дурдонаси бўлмиш тўртлик холидаги кўшиқ бунга мисол бўла олади:

Üçleri bil, beşleri bil, yedileri kirkleri bil
Hazir gaibi gerçek var olan sultani bil
Sin göründü hem cu dem ustadimizdan yadigar
Nem kepenkli denildi Baba Bengi vari bil¹.

Яъни:

Тўртликнинг илк мисрасидаги “Üçler”, яъни учлар сўзи Оллоҳ, ҳазрати Муҳаммад ва ҳазрати Алини ифода этмоқда. “beşler”, яъни бешлар сўзи эса Аҳли байт, “kirkleri” сони эса ҳазрати Али раҳбарлик қилган қирқ кишини рамз этмоқда.

Демак, қирқ рақами билан боғлиқ урф – одатларни қадимги туркий халқлар мифологик тасаввурларнинг узвий давоми деб баҳолаш керак.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган фикр, мулоҳаза ва талқинлардан куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Турк адабиётида рақамларнинг бадий ижоддан кенг ўрин эгаллаши бевосита тасаввуф таълимоти билан боғлиқдир. Тасаввуф таълимоти ва адабиётида рақамларнинг ўзига хос “семантик тизими” яратилган деса, мутлақо хато бўлмайди. Чунки бунда ҳар бир рақам учун баъзан бир неча янги маъно йўллари очилган. Бу эса аксарият ҳолларда рақамларнинг халқ оғзаки ижоди, мифология, дин, урф-одатлардаги рамзий – мажозий ҳақиқатларидан бутунлай фарқ қилади. Шунинг учун тасаввуфий адабиёт матнларида мавжуд бўлган рақамлардан кўзда тутилган асл маъно ва

¹Умар Жайлон. Тасаввуфий шеър шарҳлари. - Истанбул, 2000.-Б.222..

моҳиятни ёритиш учун, энг аввало, тасаввуфий ва ирфоний ҳақиқатларни
етарли даражада ўрганиш талаб этилиши табиийдир

II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА РАМЗИЙ РАҚАМЛАР ТАЛҚИНИ

2.1. Алишер Навоий асарларида рақамлар рамз сифатида

Алишер Навоий ижоди бамисли бир уммон. Шоир ижодини ўрганган сайин ундаги сирларни илғаб хайрон бўласиз, ҳар бир сўз, ҳар бир жумла замирида яширинган маъноларни уқиб буюк бобокалонимизнинг маҳоратига таҳсинлар ўқийсиз.

Навоий асарлари ўқилганда “бир дам”, “бир лаҳза” дан бошлаб “ўн саккиз минг”, “етмиш минг”, “тўқсон минг”, “бир минг бир” каби улкан рақамларга ҳам дуч келинади. Вақтнинг энг кичик бирлиги ҳисобланган дам ва лаҳзаларга тасаввуф аҳлининг алоҳида аҳамият беришлари, бир дам, бир лаҳза, бир нафас, бир он сингари вақт бирликларига катта маъно бағишлашлари Навоий шеъриятида ёрқин кўзга ташланади.

Нафас, дам, он, лаҳза – вақтнинг энг кичик бирлиги. Вақт – ўтмиш, ҳозир ва келажак. У ортга қайтмас ва қайтарилмасдир. Вақт инсон онги, иродаси ва куч-қудратига бўйсунмайдиган шафқатсиз қудрат. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов Алишер Навоий шеърияти ҳақида фикр юритар экан, шундай дейди: “Вақт фақат маънавий – руҳий ҳаракат ва маърифий фаолият ила юзлашиш лозим. Вақт олдидаги маъсуллик у билан алоқа ўрнатишнинг ўзига хос “мақом” ларини эгаллашни талаб қилади. Шу маънода тасаввуф аҳлининг фикр – қарашлари ва ҳаётий тажрибалари жуда ибратли. Ибратлиси шундаки, улар вақтнинг энг кичик бирлиги ҳисобланмиш дам ва лаҳзанинг мазмунига алоҳида аҳамият берганлар. Шарқнинг кўп буюк санъаткорлари сингари Алишер Навоийнинг Вақтга доир қарашлари, муносабат тарзи ва унда кўзда тутган мақсадлари ҳам тасаввуф маслағи билан чуқур алоқадордир”.¹

Дарҳақиқат, бир дам, бир он, бир лаҳза ва фурсатларни қадрлаш, уларнинг зое кетмаслигини ҳис қилиш қалб уйғоқлигидан далолат беради.

¹Ҳаққул. И. Тасавуф ва Навоий шеърияти ҳақида. «Навоийнинг ижод олами», - Тошкент, 2001. – Б.10.

Инсон айна дамни, ҳозир яшаб турган, нафас олаётган фурсатларни кадрлай олсагина нурли ўтмиш ва ёрқин келажакка холис назар ташлай билади.

“Вақт кескир қиличдир. Агар кескир бўлмаганида эди, ҳолдан – холга ўтгунигга қадар сени кутган бўларди. Ҳолбуки, Нажмиддин Кубронинг “Ибнул – вақт” - сўфий учун дастури амалдир. У ўтаётган ҳар бир дамни, фурсат ва лаҳзаларни кадрлайди. Вақтни беҳуда сарфламасликка ҳаракат қилади. Агар шундай бўлмаганида Навоийнинг лирик қаҳрамони:

Маст ўлуб **бир дам** шабоб айёмини тут муғтанам

Ким, йигитлик **дам – бадам** ўтмакдадур айём аро –

дея вақтни “муғтанам” тутишга чақирмаган бўлар эди. Аммо гап ғанимат саналган ана шу қандай ва қай ҳолатда ўтказишда. Маълумки, тасаввуфда май, бода, шароб калималари илоҳий ишқ, Оллоҳ муҳаббати маъноларини англатади¹. Ҳақ ошиғининг май, шароб, бода талаб қилиб соқийга мурожаат этиши илоҳий муҳаббатни қалбда барқарор айлаш ва шу туфайли сархуш бўлишни билдиради. Лаҳза ва фурсатларнинг ғаниматлигини ҳис қилган солиқ ана шу дамларни ишқдаги “маст ўлуб” ўтказишни хоҳлайди ва бошқаларни ҳам шунга чорлайди:

Бир дам аҳбоб базми сабуҳий тизибон

Чекинғиз, дамни ғанимат билибон, бодаи ноб.

Бу истак амалга ошмагач, ошиқ афсус – надоматлар ичида қолади. Даврон унинг тилаги билан “эврулмас”лигидан шикоят қилиб ўз армонларини қуйидаги тарзда баён айлайди:

Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,

Бир нафас эврулмади даврон менинг комим била.

¹Сулаймон Улутоғ. Тасаввуфий терминлар луғати. – Истанбул. 1995,- Б.80-85.

Ўтиб кетган, яъни мозийга айланган вақтни орқага қайтаришнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Шунинг учун хатто чарх ҳам бундай ишни бажаришга қодир эмаслигига иқрор бўлмоқ керак:

Айш вақтин бил ғаниматким, эрур дам ушбу дам,
Чарх эрмас фавт бўлгон вақтни ёндурғудек.

Бир он, бир лаҳза, бир дам ва бир нафасда шундай бир катта мазмун яширинки, уларнинг қуввати ва шу пайтларда эришиладиган илоҳий файзлар такрорланмасдир. Ҳақиқий ошиқ шу боисдан “бир нафас”, “бир лаҳза” сингари жуда қисқа фурсатларни қадрлайди ва уларга қандайдир жавобгарлик билан ёндашади. Хофиз Хоразмий:

Не бўла ғамгин кўнгулни лутф этиб шод этса дўст,

Банди ғамдин бандасин **бир лаҳза** озод этса дўст¹, -

дея “бир лаҳза” гина висол онларини истаётган ошиқ ҳолатини акс эттирса, Мавлоно Лутфий:

Фироқинг тўкти **бир дам** ичра қоним

Ажал етса кишига бир замондур, -

сингари мисраларда фироқда қолган ошиқ бу айриликқа “бир дам” ҳам чидай олмаслигини ифодалайди. Атоий эса бунга бошқача ёндашади:

Бир нафасда ўлғай эрдум фурқатингнинг дардидин,

Васл умидидин менга ўлмакни душвор айлаган.

Алишер Навоий:

Бир нафасе, эй масих, бошимга еткил,

Ким, бу нафас бедилингга сўнгги нафасдур, -

дея “бир нафас” жумласига катта маъно бағишлайди. Умуман олганда, Тасаввуф арбобларининг вақтга доир қарашлари диққатга сазовордир. Масалан, Абу Али Даққоқ (вафоти 1015) вақтни киши зеҳнини ўша онда машғул этувчи ҳол сифатида таърифлайди: “Вақт сен ичида бўлганинг

¹Ҳаёт васфи. Хофиз Хоразмий, - Б.34.

нарсадир. Дунё ила бўлсанг – вақтинг дунё, охиратда эсанг – вақтинг охират, қувончда бўлсанг – вақтинг қувонч, кайғуда бўлсанг – вақтинг кайғудир. Шу маънода бир қатор суфийлар тасаввуфни вақт илми, дея таърифлаганлар. Масалан, Жунайд Бағдодийга кўра, тасаввуф вақтни муҳофаза этиш хунаридир”¹.

Дам ва фурсат, нафас ва лаҳзанинг сири ва мазмуни ҳолда равшанлашди. Маълум бир вақтда туғилиб, тезда ўтиб кетадиган ҳаяжон, эҳтирос, шавқ, ғайбат, ҳузур – ҳол ҳисобланади. Тасаввуф таълимотида ҳол инсоннинг иродаси ва ҳаракати туфайли эмас, балки Оллоҳнинг лутфи ила қалбда туғиладиган майл ва кайфиятни англатади. Зеро, “Ҳол ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чақмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззати. У бир лаҳзада пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин”².

Модомики шундай экан, унда ана шу лаҳза ва онларни юксак кадрламоқ лозим. Чунки “ҳол маърифати” инсонни бир лаҳза ва бир онларни эъзозлашга, уларга таслим бўлиш, мозию мустақбал (келажак) ўй – ташвишлар билан эмас, балки ҳозир, айна дам ва фурсат шавқини бой бермасликка чорлайди. Бундай қарашлар шеърятдан ҳам ўрин олган.

Масалан, Ҳазрати Али ибни Абу Толиб шундай ёзади:

Кечди кечмиш, эртаги кундан не суд,
Ҳозиринг роҳатда кечса, бўлгани.

Ҳозиринг бу – вақти ҳолингдир, йигит.
Вақти ҳолинг бу – умринг гулшани³.

Ҳужвирийнинг куйидаги сўзлари ҳам шу ҳақда: “Ҳақдан бир ворид(тажаллий) қулнинг қалбига етса ва уни жамъ ҳолига юксалтирса,

¹Қушайрий. Рисолаи Қушайрий. – Истанбул, 1991. –Б.252.

²Комилов.Н. Тасаввуф. 1- китоб. – Тошкент, 1996. – Б.29.

³Ҳазрати Али ибни Абу Толиб. Девон. – Тошкент, 2005. –Б.289.

шунда унинг кашфида на мозий, на мустақбал хотираси қолур. Вақтла ҳол кечмиш ва келажак тушунчасидан озод бўлиб, Ҳақ билан сархуш бўладиган бир ҳолга эришади”¹. Бу фикрлардан шу нарса англашиладики, илоҳий воридотга етишган ошиқ бу дунёни тамоман унутади.

Мозий билан мустақбалга сарф айлама умрни

Ҳол аҳли учун ҳеч бири мақсуд эмас, -

сингари фикрлар “дам бу дам” тушунчаси заминиди юзага келган. Нажмиддин Кубро таъкидлаганларидек: “Ибнул вақт... ўтмишга ҳам, истиқболга ҳам назар ташламас. Чунки унинг мозийга ёки мустақбалга боқмоғи ўтмиш ёхуд келажакни ўйлаб айна ондаги вақтини беҳуда кетказмоғи демакдир”². Навоийнинг:

Не мозидир, не мустақбал орада, сенсену **бу дам**,

Не шод ўлмоқдурур **ҳар дам** узун умрунг шитобидин,-

деган сўзлари бунинг бир тасдиғидир.

Ҳол вақт туфайли юзага келадиган ва уни безайдиган бир вориддир. Вужуд учун руҳ нима бўлса, вақт учун ҳам ҳол шуни ифода этади. Вақт соҳиби ҳол соҳиби даражасига кўтарилгач вақтдаги ўзгаришлар барҳам топади ва у вақтнинг ичида нафас олади. Ҳолдан маҳрум кишининг вақтдан узоқлашуви жоиздир. Ҳол вақтга бирлашганда эса фақат кунлар эмас, замонлар ҳам вақтга айланиб, ошиқ ўзини ҳар қандай заволдан ҳимоя қила олади. Ҳужвирийнинг ёзишича, Яъқуб (а.с.) вақт соҳиби бўлганлиги учун баъзан йиғлашдан қил каби тебранса, гоҳо шодликдан сарвга ўхшаб кетган. Иброҳим (а.с.) эса ҳол соҳиби бўлганлиги боис ҳижрондан азоб тортмаган ва висолдан масрур ҳам бўлмаган. Шу маънода ҳол талаб этилганнинг сифати бўлса, вақт талабгорнинг даражасидир³.

Бир лаҳза ва бир дамда юзага келадиган ҳол эса турлича. Зеро, “ҳол тасаввуфдаги шундай ғаройиб ҳолат ва ҳилма – хил маънавий

¹Ҳужвирий. Кашфул мажуб. – Истанбул, 1996 – Б.580.

²Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент, 2004.

³Ҳужвирий. Кўрсатилган асар. – Б.520.

рухий, психологик ҳодисаки, унинг барча шакл ва кўринишларини номлаш ёки таърифлашга имкон бўлмаган, албатта ¹. Нажмиддин Кубро эътирофига кўра, солиқ унс ва баст ҳолидан баланд кўтарилганда, борлиғидан куш саслари эшитиладиган бир ҳолга етишса, ғайбат ҳолида унинг руҳи қуёш, ой ва сайёралар сингари самодаги собит юлдузлар шаклида зухур этади².

“Не тонг, келтурса манга ишқ **ҳар дам** ўзгача ҳол”, - дея ишқдан қалбда пайдо бўладиган ҳол – “нашъа – ҳузун, шодлик – қайғу, ғайбат – ҳаяжон” сингари рухий кечинмаларнинг хилма – хиллигини таъкидламоқчи бўлган шоир яна бир ўринда бундай ирфоний файзлар, кечинмаларнинг тез – тез ўзгариши мумкинлигини таъкидлайди:

Ваҳ, не ўлғайки, келгач ул бути зебо манга,
Ўзга қилғай ҳол **ҳар дам** ул қади раъно манга.

Ибн Арабий “Раҳмон” сурасидаги “Ҳар кун ул бирор ҳолатда бўлур” сўзларини “Ҳар лаҳза Анинг учун бошқа бир ҳол ва шаън бордур”, - дея изоҳлайди ва Оллоҳнинг тажаллийларига мувофиқ равишда ошиқнинг ҳоли ўша дам, фурсат, алоҳида бир лаҳзаларда ўзгаришини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам Навоий лирик қаҳрамони:

Тут, эй соқий, манга бир майки, анинг нашъаси етқач,
Кўнгул беҳол бўлғай, жонга **ҳар дам** ўзга ҳол ўлғай,-
дея эътироф этади. Ҳолнинг жуда тез ўзгариши ошиққа эмас, балки маъшуқа ҳаракатига боғлиқдир:

Ҳолим ўлмиш ўзгача ҳар **дамким**, ул ой кўргузур
Лабда гуфтор ўзгача, қоматда рафтор ўзгача.

Ҳуллас, Ҳақ ризоси ва севгисига эришган, «кўнгли зариф, руҳи латиф, ахлоқи гўзал, маънавий ҳаёти мукамал» ошиққа “соҳиби ҳол” дейилган. Маърифат аҳлининг иқрорига кўра, улар икки тоифа. Ҳолига маҳкум, яъни илоҳий тажаллий пайитида ақлу ҳушни тарк айлаган, ўзини

¹Ҳаққул И.Ирфон ва идрок. – Тошкент. 1998. – Б.151.

²Нажмиддин Кубро. Кўрсатилган асар. – Б.118.

тамоман унутадиган солиқ талвин соҳиби дейилади. Ҳолига ҳоким бўлган, яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам ақл ҳукумронлигини биринчи ўринга қўядганлар тамкин вакиллари ҳисобланади. Навоий шеърлятида ҳар иккала ҳол соҳибларининг тимсолини учратиш мумкин. Ёрдан етадиган “дард” ни ҳам, “ғам” ни ҳам хуш кутиб оладиган ва ўз ичида яшаётган ҳолдан бошқасига аҳамият бермайдиган талвин соҳибининг “илоҳий воридот ва раҳмони тажаллий вақти” даги иқрори мана бундай:

Хуш ул дардким, юзланур **лаҳза – лаҳза**,

Хуш ул ғамки, хотир аро **дам – бадамдур**.

Унинг бундай ҳолатини кўрган халқда дам кулгу, дам йиғи пайдо бўлади:

Бул – ажаб йиғлар жунунум ичра кўрким, халқни

Ишқ **бир дам** йиғлатур ҳолимга, бир дам кулдурур.

Аммо ошиқ учун бу аҳамиятсиз. Чунки у «бехуд» лик орқали боқий умрни қўлга киритади:

Умри боқий топқамен бир лаҳза ушбу ҳол аро

Ўзни бехуд, кўзни рухсориннга ҳайрон айласам.

Демак он, лаҳза, нафас сингари вақт бирликлари тасаввуфда катта аҳамиятга эга бўлган ва уларга кўп муҳим маъно ҳам юклатилган. Чунки худди шу лаҳзаларда ошиқ илоҳий файзни қўлга киритади. Ишқ ўтида ёнган қалб бир лаҳза бўлса – да, фараҳланади. Шу қисқагина лаҳза ёки нафасда Ҳақ таоло висолига эришилади.

“Оллоҳ истаган кишисига истаган ҳолни берур, истаган ҳолни олур”¹, яъни ҳол Оллоҳ томонидан берилади ва олинади. Ҳоллар фақат бир илоҳий эҳсон бўлиши билан бирга уларнинг яхши ва давомли бўлишига эзгу амал ва ибодатларнинг таъсири бордир. Ҳол соҳиби ҳар томонлама гўзал, маънавиятли ва маърифатли бўлиши лозимлиги талаб қилинади. Зеро, адабиётнинг ўзи гўзал хулқ, юксак маънавият ва маърифат тарғиботчисидир.

¹Сулаймон Улдоғ. Кўрсатилган асар. – Б.218.

Фақат бир эмас, бошқа рақамларга ҳам жуда кенг ва хилма – хил маънолар сингдирилган. Тўққиз рақами ҳам бундан истисно эмас. Олтойликларнинг қиёмат тасвири берилган қадимий ривоятларидан бирида айитилишича, охир замон бошланиши билан қора ер оловга копланиб, буюк хоқон Ота тангрига қараб, юз бурармиш. У чоғда дунё бузилар, инсон насли маҳв бўлар экан. Фитна ва фасот тарқатувчи шамол инсонларни ҳаяжонга солармиш. Ҳамма жой теп – текис бўлгач, денгиз тўлқинланиб, унинг туби кўринар ва денгиз қаъридан тўққиз бўлак қора тош чиқар эмиш. Бу тошлар тўққиз жойидан ёрилиб, ҳар тошдан тўққиз чамбарли тўққиз сандиқ пайдо бўлар, ҳар сандиқдан темир қанотли тўққиз киши чиқиб, улардан иккиси сардорлик қилар эмиш. Одамлар роҳат – фароғатдан ажралиб, қаттиқ таҳликага тушармиш. Қуёш ва Ой нурсизланар, қорайиб қолар экан. Дарахтлар илдизидан кўпорилиб, ота боладан, бола ота – онасидан ажралармиш. Демак, қадим замонлардаёқ охир замон манзарасини чизишда тўққиз рақамига суянилган ва шу асосда унинг даҳшатига урғу берилган.

Рус олимаси И.Л.Галинская “Махобхорат” достонидаги тўққиз рақами билан боғлиқ бир метафора ҳақида тўхталиб, “тўққиз дарвозали кўрғон” инсон вужудини, ундаги “аҳоли” эса қадимги ҳинд фалсафасидаги сўнгсизлик ва мавҳумот, янада аниқроғи, руҳни билдиришни қайд этади¹.

Айрим бир фикр, тушунча, нуқтаи назар ё ҳақиқатларни акс эттиришда Навоий ўрни – ўрни билан уч, тўрт, беш, олти, етти рақамларига мурожаат этса – да, тўққиз рақамига нисбатан кенг ва изчил равишда асосланади.

Алишер Навоий ижодида тўққиз рақами билан алоқадор “тўққиз ано”, “тўққиз ато”, “тўққиз афлок”, “тўққиз аркони давлат”, “тўққиз парда”, “тўққиз тухфа”, “тўққиз хон”, “тўққиз қадах”,

¹Галинская И.Л. Загадки известных книг. – М.: Наука, 1986. –С. 13.

“тўққиз қатла юкунмоқ” каби бирикмаларнинг учраши тасодифий эмас.

Навоий ракамлар воситасида бадиий образ яратар экан, ҳар бир ракам билан боғлиқ қадимий қарашларга ҳам таянади.

Тўққиз раками билан боғлиқ маъно шарҳлари қадимда яратилган китобларда ҳам учрайди. Масалан, Маҳмуд Кошғарий “Девони луғатит турк” асарида туғ сўзига изоҳ бериб шундай ёзади: “Туғ – туғ, байроқ. Тўққиз туғли хон – тўққиз туғлик хон ёки хоқон. Қармоғидаги шаҳар ва ўлкалар сони ошиб кетса ҳам, туғ тўққиздан оширилмаган. Хоннинг юқори мартабаси тўққиз билан фол қилинган. Бу хон туғлари тўқ сарик рангли шоҳи ёки ипак матодан қилинади. Бу ҳам яхши фол учундир”¹.

Абулғози Баҳодирхон эса турк – мўғул халқлари орасида одатга айланган тўққиз ҳадия (тўққиз от, тўққиз чопон, тўққиз парча бахмал) ҳақида маълумот беради.

Филология фанлар доктори, профессор А.Абдуғафуров “Ғаройиб ус – сиғар” девонидаги “Тийрадур ўйлаким ёруғлиғ анга бермас юз” мисраси билан бошланувчи ғазалдаги тўққиз сўзининг изоҳида “Абушқа” га мурожаат этиб, ундаги шундай фикрларга диққатни жалб этади: “Аммо чиғатой тоифасининг бир одатлари бордурки, у маънойи ашъор учун “Ғаройиб ус – сиғар” да бир байт келур:

Ғам ғизоси орасинда қани туркона аёғ

Тўра ойини била томса тўкуз, оқса ўтуз.

Ул одат будурки, суҳбатда қадахдан бир томла (томчи) тўкулса, тўққиз қадах ичурлар, агар бир қадах тўкулса – ўттуз қадах ичурлар. Ва бу маъни доғи буким, агар беним қадахимдин томила томилса – тўққиз қадах ичайин ва агар тўкилиб оқса – ўтуз қадах ичайин, демакдур. Масту беҳуд бўлғондин киноядур.

Муғанний, бир навос туз, Навоий, нағмас кўргуз,
Аёқчи, томса тут, тўққузки Доройи жаҳон келди.

¹Кошғарий М. Девони луғатит турк. – Тошкент, 1963. – Б.140.

ва яна “Ҳайрат ул – аброр” да олтинчи мақола ҳикояси охирида келур:

Сокий, адаб шартина омода тут.

Оллима тўккуз якунуб бода тут.

То ани ич, деб санга мен юз тутай,

Томса тўкуз, окса худ ўттуз ичай”¹.

А.Абдуғофуров “Абушқа” даги мисолларга қўшимча равишда “Наводир уш – шабоб” ва “Бадоеъ ул – васат” девонларидаги ғазаллардан ҳам байт ва мисраларни келтиради. Аввало шуни айтиш жоизки, “май ва майхўрлик билан алоқадор “ўттиз” рақами Навоийгача ҳам қўлланилган. “Девони луғотит турк” даги қуйидаги тўртликка диққат қилайлик:

Оттиз ічіб қіқралім,

Јоқар қубуб сәкралім.

Арсланлају кокраіlm

Қачті сақінч сәwnnalim.

Уч қайтадан ичиб, қувнайлик, сакраб – сакраб ўйнайлик, Арслон каби наъра тортайлик, қайғу алам биздан йўқолганини кўрсатайлик².

Бизнингча, худди ушбу тўртликдагидек, Навоий сатрларида ҳам, «ўттиз ичай» қайта – қайта ўттиз маротаба ичиш маъносидан кўра, кўп ичай, маст бўлай мазмунини ифода этади.

Шунингдек, унда “ўттиз аймақ хоқонига” ишорат ҳам борга ўхшайди.

Ласзло Расонининг “Тарихда турклик” асарида қайд этилишича, тўққиз ва ўттиз рақамлари турк (тикнуь) ларнинг аймақ сонларига тегишлидир.

Қопоғон хоқоннинг қизига оид қабр ёзувида отаси учун “Ўттиз аймақ хоқони” таъбири тилга олинган.

Бу ўттиз аймақ икки қавм зумрасидан иборат бўлган:

* Ўрхун энасой ёзма ёдгорликларида тўққиз ўғуз халқ сифатида бир неча бор тилга олинади
.¹А.Абдуғофуров. «Тўра ойини била» // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. 2- сон – Б. 22 – 25

²Кошғарий М. Девони луғатит турк. 1 қисм. – Тошкент. 1960. – Б.160.

1. Тўққиз ўғуз*.
2. Ўн икки кўк – турк.

Тўққиз ўғуз зумраси ўн саккиз аймақдан таркиб топган:

уйғур, хун, буку, тунгра, найирғу, иска, қалпоқ, қарлук, басмил.

Уйғурнинг ўзи ҳам тўққиз тармоққа ажиралган: яғлоқлар, яғмурқорлар, курабирлар ва бошқалар. “Шина усу” битигида хоқон улусини ўн уйғур, тўққиз ўғуз номи билан хотирлайди. Тўққиз ўғуз ниҳоятда мутакомил бўлишига кўра қуйидаги унсурлардан ташкил топган: тўққиз тармоқли уйғур аймағи – жами ўн саккиз аймақ. Шарқий кўк – турклар Қопоғон хоқон даврида ўн икки аймақни ташкил этган. Демак тўққиз ва ўттиз рақамларига эътиқод қўйишнинг бир сабаби қадимги туркий халқлар тарихи билан боғлиқдир¹.

Тўққиз рақамининг ўтмишда “машхур” лиги боисини аниқроқ тасаввур қилиш учун Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” китобидаги мана бу сўзларга диққат қилиш ҳам ортиқчалик қилмайди: “Ўзишларича, мўғул шўъбаси тўққиз нафардир: Мўғулхон, Қорахон, Ўғузхон, Кунхон, Ойхон, Юлдузхон, Менглихон, Тенгизхон, Элхон. Шу важхдан тўққиз рақамига эътибор мўғул фирқаси орасида ривож топади. Мўғулларнинг бундай эътибори таҳқиқига кўра, ҳар мартабада тўққиз саноғидан ортиғини лозим кўрмайдилар”².

Чингизхон туғининг тўққиз пояли бўлиши, ҳарбий йиғинларда тўққиз саркарданинг иштирок этиши, тархон (хоннинг алоҳида эҳсонига эришган киши) ларнинг тўққиз гуноҳи авф этилиши, тархонлик унвонининг тўққиз авлодгача мерос қолиши, тархоннинг ҳукмдор олдида тўққиз қадах шароб ичиши ва салтанатдаги истаган нарсасини тўққизтадан олиши мумкинлиги тўққиз рақамига эътиқод қўйишнинг яна бир намунаси.

Шу ўринда Хондамирнинг “Макоримул – ахлоқ” асаридаги бир ҳикояни эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Унда нақл

¹Расоний Лазсло. Тарихда турклик. – Анқара. 1988. – Б.103.

²Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент. 1994.– Б.114.

қилинишича, Ҳусайн Бойқаро Хоразим вилоятини обод қилиш мақсадида, Хуросондан уч минг хонадонни Хоразмга кўчириш учун буйруқ чиқаради. Бу “мажбурий буйруқ” ни Навоий одамларни ватандан жудо қилиш ва уларни катта қийинчиликларга гирифторм айлaш, деб ҳисоблайди ҳамда подшоҳга “бу ишнинг баҳридан ўтсалар”, дея мурожаат этади.

“Соҳибқирон бу сўзни биринчи галда, - дейди Хондамир, - ризолик қулоғи билан тингламади. Шафқатли Амир (яъни Навоий – С.Ж.) бу ҳақида ўн марталаб таъкид қилса ҳам бирор натижа чиқмади. Лекин бошқа бир галда журъат қилиб шундай арз қилди: ўзингизнинг менга берган фармонингизга биноан, ҳар бир иш ўринсиз воқе бўлса, **тўққиз галга айтишга** ҳақлидурман. Халқни Хоразмга кўчириш масаласида **тўққиз марта арз қилдим**, натижа бермади.. ”¹. Хуллас, Навоий тўққиз рақамининг “имтиёз” ва “имконият” идан фойдаланиб мақсадга етишади. Бу эса тўққиз рақамига доир анъанавий қараш Навоий даврида ҳам унутилмаганлигидан далолат беради.

Туркий қавмлар ўртасида ҳурмат – эҳтиром, тавозеъ кўрсатиш мақсадида тўққиз марта таъзим қилиш ҳам одатга айланган. Шунинг учун ҳам Навоий:

Ётўғончию йиров тузгач ун,

Сен қадаҳ олу тўқуз қотла юкун, -

деб ёзган эди. Туркий халқлар учун хос бўлган ушбу одатга Навоий “Саддий Искандарий” достонида яна тохталади. Искандар Кашмирда Ферузни шоҳ қилиб кўтаради ва аркони давлатни кўп эмас, оз эмас, тўққиз марта шоҳга таъзим айлаб, ҳурмат бажо келтиришга фамойиш беради:

¹Хондамир.Мақорим ул – ахлоқ. – Тошкент. 1967. - Б.90.

2.2. Навоий шеърлятида осмон жисмларининг рақамлар ёрдамида берилиши

Навоий шеърлятида “тўққиз гунбад”, “тўққиз осмон”, “тўққиз сипехир”, “тўққиз табак”, “тўққиз торами ахзар”, “тўққиз фалак”, “тўққиз чарх” каби иборалар бевосита осмон жисмлари билан боғлиқ. Ҳайъатшунос олимларимиз илмий кузатишлар асосида осмонлар сони тўққизта, деган хулосага келганлар¹.

- 1.Фалакул – афлок – осмонлар осмони. Ҳамма осмонни ўз ичига олганлиги учун ҳам буни осмонлар осмони ва “фалаки атлас”¹ деб атайдилар.
- 2.Буржлар осмони. Бунда турли турғун ёриткичлар жойлашган.
- 3.Зухал осмони.
- 4.Муштарий осмони.
- 5.Миррих осмони.
- 6.Куёш осмони.
- 7.Зухра осмони.
- 8.Аторут осмони.
- 9.Ой осмони.

Осмонларни Ой осмонидан бошлаб санаш машҳур бўлганлиги учун ҳам “Осмонлар осмони” тўққизинчи осмон ҳисобланган.

Навоий даврида астрономия соҳасида жуда кўп изланишлар олиб борилган ва юқори натижалар қўлга киритилган ютуқлардан бохабар бўлган, албатта. Шунинг учун “шоирнинг дунёни тушунишда табиий фан ютуқларидан фойдаланиши қонуний бир ҳол эди”². Қуйидаги байтнинг иккинчи мисрасида шоир осмон (“гунбад”)ларнинг тўққизта эканлиги, унинг доим айланиб (“гунбади даввор”), ҳаракатда бўлишини таъкидлайди:

¹Бу ҳақда қаранг: Али Қушчи. Астрономияга оид рисола. – Тошкент.- Фан, 1968.- Б.102.

²Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари.- Тошкент.1997.--Б.175..

Тут кадах даврини хушким, йўқ бажуз саргашталик,
Даҳр даврида бу тўккуз гунбади даввор эса.

Осмон жисмлари, уларнинг ҳаракатлари, жойлашиш ўрни ва бадий адабиётдаги рамзий маъноларига эътибор қаратиш шоир ғазалларидан ташқари, дostonларида ҳам учрайди (“Фарход ва Ширин” дostonида Фарходнинг Салосил қўрғонида осмон жисмлари билан сўзлашгани, “Сабъаи сайёр” дostonида Баҳром ва Дилором образларининг сайёраларга нисбатан берилшини эсланг).

Қуёшнинг ярим тутилиши – гардиш боғлаши бир байтда ажойиб ташбеҳни юзага келтирган:

Фитналик тўккуз фалак гирдингда, жоно, турфадур,
Ким, кўруптур бир куёш давринда мундоқ холалар.

Рақам замирида пинҳон ётган маъно сирларни англаш, уларни аниқлашга уринмаслик баъзан янглиш ва хато хулосалар чиқаришга ҳам йўл очади.

Алишер Навоий девонларида шундай байтлар ҳам мавжудки, уларни таҳлил ва талқин этиш, умуман рақамга тегишли ҳар бир ишорат ва фикр устида пухта ўйлаш, тахминга йўл қўйиб бўлмасликни талаб қилади. Улуғ шоир бир ғазалида ёзади:

Ҳамдингга ҳар кўтах назар ҳам гунгу лол ўлғай магар,
Чунким демиш хайрул башар ул ерда лоуҳси сано.

Жинси башар йўқ оғаҳинг, хуршид хоки дарғаҳинг,
Кшк маҳд аро тифли раҳинг **етти атоу тўрт ано.**

“Сўз бағридаги маърифат” номли китобида мазкур байтлар бундай изоҳланади: “...лоуҳси сано – мақтовнинг чегараси йўқ (Ҳадис). Етти ато – Ҳазрати Одам, Иброҳим, Мусо, Довуд, Исо, Муҳаммад Мустафоларга ишора; тўрт ано – Момо ҳаво, Биби Осиё (Фиръавннинг мўмина хотини), Биби Марям (Ҳазрати Исонинг оналари), Хадича Кубро

(пайғамбаримизнинг биринчи хотинлари, ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган инсон).

Хайрул башар – пайғамбаримизнинг сифатларидан – луғавий маъноси инсонларнинг энг хайрлиси”. Бу изоҳдан кейин шундай хулоса чиқарилади: “Кўринадики , Мир Алишер Навоий ҳам кўчирганимиз ғазалда Ҳақ зоти тўғрисида фикрлаш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтадилар ва буни “бу ҳақда гапирмоқчи бўлсалар, етти отамизу тўрт онамиз ҳам бешикдаги гўдакка ўхшаб қоладилар, деб рамзий равишда ифода қиладилар»¹.

Навоий байтида қўлланилган “тўрт ано”нинг инсонга алоқаси йўқ. Чунки унда ансори арбаъа – тўрт унсурга ишора қилинган. Бу тўрт унсур харорат, бурудат, рутубат ва юбусат каби тўрт хусусиятни майдонга келтирган. “Етти ато” дан мақсад эса етти кўкдир. Баъзан етти рақами ўрнида тўққиз ҳам қўлланилган.

Навоий тўққиз осмон билан алоқадор бўлган фикрларни илгари сураар экан, оламнинг яратилиши, дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги диний қарашларни ҳам четлаб ўтмаган. Диний эътиқодларга кўра, бутун олам ва ундаги барча мавжудотлар буюк меъмор – Оллоҳ томонидан яратилган. Шоир бунга ишора қилиб шундай дейди:

Саниъким чекти чун сунъи қалам,
Офариниш тарҳини қилди рақам.
Айлагач дойир **тўқуз афлокни**,
Қосир этти фаҳмидин идрокни.

Яъни, Яратувчи қудрат қалами билан оламни бунёд этди. У тўққиз фалакни айланувчи қилиб яратди ва бунинг сирини ҳеч кимга ошкор қилмади. Шоир девонларидаги ҳамд ғазалларининг бирида етти кўк ҳам, тўққиз осмон ҳам “илоҳий амр” га тобелиги айтилади:

Илоҳий амринга маъмур етти торами аъло,

¹Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Махмудов М. Сўз бағридаги маърифат. –Тошкент, 2001. — Б.58.

Не етти торами аъло, тўқуз сипехри муалло.

“Тўқуз сипехри муалло” қанчалик юксак ва улуғвор бўлмасин, барибир Ҳақ даргоҳига нисбатан улар кичикдир. Чунки Оллоҳ ҳар нарсадан буюк ва устун.

“Хамса” даги достонларнинг ҳамд қисмларида, анъанавий маътлардан ва умуман, “Меърожнома” ларда фалаклар номи бирма – бир тилга олинади. Шуниси эътиборга моликки, меърож ҳодисаси ҳикоя қилинган ўринларда фалакларни санаш Ой осмонидан бошланиб, фалаки сайёра (ҳаракатланувчи) да ниҳоясига етказилса, ҳамдларда аксинча, фалак сайёрадан Ой осмонигача санаш тартиби кўзга ташланади. Тасаввуф таълимотига кўра, фалаклар руҳий камолот йўлидаги босқичлардир. Насафий ўзининг “Зубдат ут - ҳақойиқ” асарида ҳар бир фалак турли тоифадаги кишилар руҳининг манзили эканлигини қайд этади. Унга кўра,

- 9 – осмон, яъни Арш – пайғамбари хотам руҳининг манзили,
- 8 – осмон – улул – азм пайғамбарлар руҳининг манзили,
- 7 – осмон – мурсал пайғамбарлар,
- 6 – осмон – анбиёлар,
- 5 – осмон – авлиёлар,
- 4 – осмон – илми маърифат аҳли,
- 3 – осмон – зоҳидлар,
- 2 – осмон – тақво аҳли,
- 1 – осмон – имонлилар руҳининг манзилдир¹.

Демак, Навоий Тўққиз рақамига мурожаат қилганда, бу рақамнинг халқимиз тарихи, урф – одатлари, анъаналарида тутган ўрнига, диний мифологик қарашларда, шунингдек, тасаввуф таълимоти ҳамда адабиётидаги рамз ва маъноларига ҳам эътибор қаратган. Шунинг учун шоир шеъриятида тилга олинган рақамлар билан боғлиқ фикрлар таҳлилга тортилганда ана шу жиҳатлар ҳам ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ

¹Насафий. Зубдат ут – ҳақойиқ. – Тошкент, 1987. – Б.117.

бўлади. Акс тарзда, у ёки бу рақамдан кўзда тутилган асл мақсад ва маънони ёритиш қийинлашиб, олимлар орасида баҳсу мунозаралар кўпайиб бораверади. “Ўн саккиз минг олам” иборасига тегишли фикр ва талқинлар бунинг бир мисоли бўлиши мумкин.

Улуғ шоир машҳур ғазалларидан бирида ёзади:

Ўн саккиз минг олам ошубу агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил хусни бор,
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Хусн шоҳи, ул болаларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон хусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эзид таоло сунъ наққошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих,
Бул ажабларким, буёски дайр хуффошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

Бу ғазалда ўн саккиз рақами тўрт маротаба икки маънода ишлатилган: биринчиси – ўн саккиз йил, иккинчиси – ўн саккиз ёшдаги хусн. Ғазални шарҳлаган олимлар «ўн саккиз минг олам» ибораси хусусида албатта алоҳида тўхталганлар.

Филология фанлар доктори Нусратилла Жумахўжа “Ўн саккиз ёш хайратлари” мақоласида бундай дейди: “Ўн саккиз минг олам” - бадииятида тимсолга айланган турғун сўз бирикмаси бўлиб, у бутун борлиқ ўн саккиз минг оламдан иборат, деган оламнинг чексизлиги ҳақидаги қадимий тасаввурлардан келиб чиққан¹.

Филология фанлар доктори Иброҳим Ҳаққул эса нисбатан бошқача мулоҳазаларни илгари суради: “Навоий ғазалида таъкидланган”Ўн саккиз минг олам” тасаввуф таълимоти замирида юзага келган бўлиб, Ҳақ ошиқларининг сийрат оламига, зоҳирий оламга эмас, ботиний оламга дахлдордир. “Ўн саккиз минг олам” - тасаввуф шеъриятидаги поэтик образлардан бири. Унга шунчаки “турғун сўз бирикмаси” деб қаралмаслиги керак².

Бир неча тасаввуф луғатларида “ўн саккиз минг олам” иборасига атрофлича изоҳ берилган. Улардан бирида қайд этилишича, оламнинг ўн саккиз мингга етказилиши қуйидаги тарзда изоҳланади: “Бу тўққиз фалакка тенг курраи ҳаво, сув курраси, тупроқ курраси, оташ курраси, яъни ансори арбаъа, жамодот, ҳайвонот, наботот, яъни маволиди салоса. Инсон ва инсони комил. Буларнинг жами ўн саккиз бўлурки, зухур эътибори ила ҳар бири мингдан бўлиб, ўн саккиз минг бўлур³. Турк олими Маҳмуд Байроқдор эътирофи бўйича, пайғамбаримизнинг барча ўрнак кўрсатиш ва юксалтириш учун “Ўн саккиз минг олам пайғамбари” дейиш мусулмонлар орасида бир одат тусига кирган ва у мажозий мазмунга ҳам эгадир⁴. “Ўн саккиз минг олам” нинг ўн саккиз рақамини муқаддаслаштириш билан боғлиқ жиҳати ҳам бор. Албатта, ўн саккиз ёш маъшуканинг энг гўзал даври. Навоий ўн саккиз оламга муқобил равишда “Не ажаб чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур”, деганми? Бунда бошқа бир сир ҳам бор. “Жалолиддин Румий “Девони Кабир!” даги бир ғазалида,

¹Жумахўжа Н. Ўн саккиз ёш хайратлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990. – Б.21.

²Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент, 1991. – Б.103.

³Жабачи ўғли А. Тасаввуф терминлар луғати. Анқара, - 1979. – Б.571.

⁴Қаранг: Байроқдор М. Тасаввуф ва замонавий илм. – Б.83.

- дейди румийшунос олим Гулпинарли, - “Эй, сиймтанли гўзал, ўн саккиз кадахдан ортиғини қабул қилмасмен. Шафқат қил, ҳолимни кўр, эй бераҳм, эй жаллод гўзал”, демиш.

Мавлоно нимага айнан “ўн саккиз” ни тилга олаётир? Чунки ўн саккизни муқаддас билиш Мавлоно замонида ҳам бўлган. Демак, бу қаноатнинг Мавлонодан аввалги даврлардан келаётган бир анъана эканлигига ишонишимиз керакдир¹. Умуман олганда, ўн саккиз рақами мавлавийлар учун муқаддас саналган. Улар мавлоно “Маснавий” сининг бутун моҳияти ва хулосаси илк ўн саккиз байтда жамлангандир, деб қарашган. Фақирга садақа улашилганда ҳам иложи борича “ўн саккиз” ликка амал қилишга интилишган экан.

Диний нуқтаи назардан ҳам, оддий одамлар тушунчасида ҳам ўн саккиз минг олам ибораси оламнинг кўплигини ифодалайди
Профессор Мустафо Тотчига кўра, “Ўн саккиз минг олам рамзийдир ва яратилмиш барча оламлар учун ҳам қўлланилади... Оллоҳга етишган валоят аҳли ўн саккиз минг оламдан нарига қадам қўйиб, борлик категорияларидан кечиб, илоҳий оламга юксалмишдир”². Бу эса ишқ ва маърифат натижасидурки, шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавий:

Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса

Ўн саккиз минг қамуғ олам ғулғул бўлур³, -

Ўн саккиз минг олам ташқи ва ташқаридаги сайрни эмас, балки руҳий сайри

саёҳатни акс эттиради.

Шарқ шоирлари, жумладан, Алишер Навоийнинг нуқтаи назари бўйича, одамнинг моҳияти ва ботиний аҳволи қанча чуқур кашф этилса, оламнинг сир – асрори ҳам, илоҳий ҳақиқат ва гўзалликлар ҳам ўшанча кўпроқ равшанлашади.

¹Гулпинарли А. Маснавий таржимаси ва шарҳи. – Истанбул, 1990.-Б.16.

²Мустафо Тотчи. Юнус Эмро. Тадқиқот ва шарҳ. Анқара -1990. - Б.234.

³Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Б.150.

Боб хулосаси сифатида айтиладиган фикрлар эса қуйидагилардир:

1. Алишер Навоий дунё ва ҳаёт ҳақиқатларини образли тарзда ифода қилганлиги боис рақамларга ҳам, биринчи навбатда, образли фикрнинг бир воситаси ёки «унсури» сифатида мурожаат этган. Шунинг учун мутафаккир шоир рақамлар асосида ифодаланган маъноларни, бир томондан, янгиликлар билан бойитган, иккинчи томондан, уларнинг чиройли, таъсирли ва ибратли тасвирларини яратишга эришган.

2. Навоийнинг рақамларга муносабати ва уларнинг рамзий – мажозий моҳиятини кашф этишдаги маҳорати, хусусан, бир, етти, тўққиз каби рақамлардан фойдаланишда яққол намоён бўлган эди. Бу рақамлар замиридаги маънолар улуғ санъаткор диний, тарихий, фалсафий билимининг кенг ва чуқурлигидан ҳам далолат беради.

3. Алишер Навоий рақамлар сир – асрори билан кўпроқ қизиқишга илҳомлантирилган йўл, албатта, тасаввуф йўли эди. Шу боисдан ҳам Навоий шеъриятидан ўрин олган рақамлар икки томонлама аҳамиятга эга. Бири, Навоий шеъриятининг ички ва сирли нуқталарини ёритиш учун, иккинчиси, тасаввуф ҳақиқатларини конкрет тарзда билиш учун.

Ш Б О Б. ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ РАМЗЛАРНИ АНГЛАТУВЧИ СОНЛАР

3.1. Дин ва тасаввуф таълимотида бир сонининг ўрни

Маълумки, Шарқ мумтоз шеърлятида мазмун ва шакл, поэтик тасвир йўли, восита, образлар олами эътибори билан ўзига хос бир шеърлятдир. Адабиётшунослик илмида эътироф этилганидек, бу шеърлятда рамзий – мажозий тасвир устувор йўналиш ва хусусиятни ташкил этади. Шунинг учун унда сўз, тимсол, ранг, оҳанг билан бир каторда, харф ва рақам воситасида илгари сурилган ҳақиқатларнинг символик ифодалари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Агар мумтоз адабиётимиздан жой олган рақамлар «тилга» киритилса, ўқувчининг кўз ўнгида янги бир маъно, моҳият ва сирлар олами очилади.

Гарчи рақам рамзларидан фойдаланиш, рақамлар воситасида турли хил қарашларни илгари суриш хуруфийликка ўхшаб маълум бир оқимни юзага келтирмаган бўлса – да, ўз фикрларини рақам рамзлари ёрдамида ифодалаш деярли кўпчилик шоир ижодида учрайди. Рақам замирида яширинган ҳақиқатларни ойдинлаштириш, тўғри талқин қилиш учун эса энг аввало, рақамларнинг дин, мифология, қадимий урф – одат, тасаввуф таълимотидаги ўрни ва моҳиятига эътиборни қаратиш лозим.

Гапни бевосита бир рақамдан бошлайдиган бўлсак, жуда қадимий даврларда мавжуд зоҳирий дунё шу рақамдан пайдо бўлган, у руҳни акс эттиради ва ақл, яхшилик, бирлик ва бахт тимсолидир, деб ҳисобланилган¹. Ушбу рақам дин ва тасаввуф таълимотида дунёнинг бирлиги, Мутлақ борлик мазмунида қўлланилган. Айниқса, тасаввуфий адабиёт намуналарида Яратганнинг яккаю ягоналигини эътироф этиш мақсадида “бир” рақамига тез – тез мурожаат этилганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Аҳмад Яссавий ҳикматларида “Биру борим, дийдорингни кўрарманму?” дея Оллоҳга мурожаат қилинган. “Биру борим” - Оллоҳнинг бирлиги,

¹Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк: Донбас, 1975. -С.110.

вахдоният. “Вахдат” истилоҳи бирлик, яккаю ягоналик, танҳолик маъноларини англатади. Шунинг учун ҳам Тангрига “Вахдати вужуд” дейилган, яъни У борлиқнинг бирлигидир. Ҳақни танимоқ, бутун мавжудотнинг яратувчиси танҳо эканлигини билмоқ, яккаю – ягоналигига ишонмоқ – тавҳиддир. Тавҳидга эришган солиқнинг кўзи “Бир” ни кўради, кулоғи “Бир” ни эшитади, тили “Бир” ни сўзлайди.

Бу ҳақида Алишер Навоий ёзади:

Бир бўлу **бир** кўру **бир** де, **бир** тила,

Майл қилма мунда иккилик била

Иккилик бу йўлда аҳволлиқдурур,

Сирри вахдатдин муъатталлиқ дурур¹.

Башарий “мен” ликдан фориғ бўлганлар илоҳий ирода соҳиби бўлиб, бу “мен” лик зоҳирий ўзликдан ичкаридадир. Шу боисдан ҳам Юнус Эмро: “Бир мен бордур менда “мен” дан ичкари”, - дейди. Мутасаввифлар илоҳий “мен” хусусида сўзлаганда Оллоҳнинг исм, феъл, сифатларини ўзида мужассам этган комил инсонни назарда тутганлар. Комил инсон – Оллоҳнинг сири, Оллоҳнинг еру кўкдан излаш ноўрин.

Шарқ шоирлари поэтик маъно ва мантиқ талабларига асосланиб рақамларга мурожаат қилганда, бевосита у ёки бу рақам “чегара” сида анъанавийлашган ҳақиқатларни ҳам инобатга олганлар. Буни икки рақамидан фойдаланишда ҳам кузатиш мумкин. Дунё ва охираат хусусидаги фикр – мулоҳазалар асосан “икки дунё”, “икки жаҳон” иборалари воситасида ифодаланган ва улар кўпинча тазодий характер касб этган.

Юсуф алайҳиссалом гўзаллиги билан ном таратган пайғамбар бўлиб, тасаввуфда у вахдат – бирлик мақомининг рамзидир². Унинг Канъондан

¹Навоий. МАТ. 12 – жилд. – Тошкент, 1996. – Б.234.

²Қаранг: Мустафо Тотчи. Юнус Эмро. Тадқиқот ва шарҳ. – Анқара, 1990. - Б.228.

Мисрга келиб султон бўлишида касратдан вахдатга ўтиши, деб қаралган. Қулликда султонликкача бўлган йўлни босиб ўтиши эса сайри сулукда вужуддан рухга томон ҳаракатни англатади. Юсуф гўзаллиги илоҳий жамолнинг тажаллисидир.

Керак куёш дирами танга бўлса байъона,
Чу Юсуфумни ики даҳрға баҳо қилсам.

Ушбу мисраларда Юсуфнинг қул қилиб сотилиши ва Оллоҳ жамолининг акси – тажаллиси талмеҳ санъати асосида ифода этилган. Ислом таълимотига кўра, бир қанча фаришталар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирига маълум бир вазифа юклатилган. Чунончи, инсон оламдан ўтгандан кейин ёруғ дунёдаги ишлари ҳақида сўроқ қилувчи эзгулик фаришталари – Мункар ва Накир тўғрисидаги қарашлар мавжуд. Тасаввуф адабиётида ҳам ана шу икки фаришта тилга олинган мисралар талайгина. Хусусан, Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул – ожизин” асарида шундай байтларга дуч келамиз:

Етишса сўргали икки фаришта

На қилғай бандаи ҳасрат саришта¹.

Ушбу байтларда айнан юқорида зикр этилган икки фариштага ишорат қилинган.

Рақамлар тарихи чуқур ўрганилса, уларга эътибор ёки улардан айримларини муқаддаслаштириш турли халқларда турлича мақсадлар асосида юзага чиққанлигини кўриш мумкин.

Масалан, бир рақами қадим Хитой фалсафасида бахтсизлик рамзи саналган бўлса, уч рақами уч асосий қудрат – осмон, ер ва инсон; уч ёруғлик манбаи - куёш, ой, юлдузни тамсил этган. Христиан динида ҳам «уч» дан кенг фойдаланилган ва у кўп ҳолларда тангри – ота, тангри – ўғил ва тангри – руҳ тушунчасини акс эттирган. Учни муқаддаслаштириш

¹Сўфи Оллаёр. Сабот ул – ожизни. – Тошкент, 1991 – Б.39.

бадий адабиётда ҳам ўз ифодасини топган. А.И. Бородиннинг фикрига кўра, улуғ италян шоири Алигери Данте (1265 - 1321) “Илоҳий комедия” сининг уч қисм – Дўзах, Аросат, Жаннатдан иборатлиги, терцина – учлик шаклида ёзилшича ва унда уч рақамининг изчил қўлланиши бунинг далилидир¹. Озарбайжон олими Заур Гасанов “уч ўтуз”, “уч қарлуқ”, “уч гурхон” каби бир неча ибораларни келтириб, уч рақами туркий халқларнинг этник бирлигини ифодалашда иштирок этганлигини ёзади. Уч рақами Шарқ халқлари ижодиётида анъанавий бир ҳақиқатларни акс эттирган бўлса–да, на оғзаки, на ёзма адабиётда диний, фалсафий, мифологик тушунчаларни ифодалашда ундан кенг фойдаланилган. Лекин айрим ҳаётий ва инсоний ҳақиқатларга кенг эътибор қаратиш ва буни алоҳида таъкидлаш учун уч рақами ҳам назардан четда қолдирилмаган. Шу жиҳатдан Насимийнинг мана бу мисраларини мисол келтириш мумкин:

Келур уч нарсдан мардумга озор;
Буларни сен ўзингга қилма санъат.

Бири бўҳтон, бири қинғирлик этмак,
Бири билмак ҳақиқатни зарофат.

Насимий, сен агар аҳли назарсен,
Ўзингга қил бу уч нарсани одат:

Бири лутфу карамла яхши ахлоқ,
Бири таҳқирлама ҳеч кимни албат

Бу сўзлар хуш насиҳат ўққувчига,
Бу уч одат эрур айни саодат.

¹Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк: Донбас, 1975.-С.115.

Уч рақамига қараганда тўрт рақами халқимиз ижтимоий қарашлари, анъаналари ва кундалик турмушида анча кенг қўлланилган. Дунё халқлари мифологиясида оламнинг тузилиши, унинг тўрт томони мавжудлиги, бир ой тўрт ҳафтадан, бир йил тўрт фаслдан иборатлиги, Ойнинг ҳар ойда ўз тусини тўрт мартаба алмаштириб туриши каби ҳолатлар бу рақамнинг анъанавийлашишига¹ сабаб бўлган.

Ислом дунёсида ҳам тўрт рақамдан энг кўп ишлатилувчи рақамлардан бири бўлиб, тўрт дўст – чорёр, тўрт муқаддас китоб, тўрт фаришта сингари бирикмаларда бу рақам билан боғлиқ ифодаларни учратиш мумкин.

Чорёр – тўрт дўст Муҳаммад (с.а.в) нинг издошлари халифалари бўлиб,

Абу Бакр, Умар, Усмон, Алилардир. Булар исломда “Хулафо ар – рошидин” (тўғри йўлдан боровчи халифалар) деб аталган. Яссавий талқинича, Абу Бакр “орифликда содиқ”, Умар “адолатлиғ”, Усмон “динимизнинг одоби, диндорларнинг озоди”, Али эса “айтган сўзи раҳмоний, кўрсанг юзи нуроний” эди.

Тўрт муқаддас китоб тушунчасида Мусо пайғамбарга юборилган Таврот, Довуд пайғамбарга юборилган Забур, Исо пайғамбарга юборилган Инжил, Муҳаммад (с.а.в) га юборилган Қуръон муқаддас китоблари назарда тутилган. Инсон комил вужудидан ташқарида бўлмаган бу самовий китоблар солиқ босиб ўтадиган мартабалар, тавҳид мақомларига ишора қилади. Таврот сифатлар тавҳидига, Забур феъллар тавҳидига, Инжил исмлар тавҳидига, Қуръон зот тавҳидига далолат бўлиб, тавҳид сири шу тўрт китобда тўплангандир

Таврот ила Забурни,
Инжил ила Фурқонни,
Булардаги баённи

¹Али Қушчи. Астрономияга оид рисола. – Тошкент, 1968. - Б.50.

Жумла вужудда билдик¹, -

дейди Юнус Эмро.

Шунингдек, тўрт рақами инсоннинг яратилиши ва мавжудлигига дахлдор ҳақиқат шарҳига ҳам хизмат эттирилган, деса асло хато бўлмайди.

Бу вужуднинг сармойеси ўту сув, тупроғу елдир,
хар бири аслига қайтар ғофил бўлмоғинг недур сенинг²?

Юнус Эмронинг ушбу байтидаги ўт, сув, тупроқ ва ел сўзлари тўрт унсурни ифодалайди. Инсон комиллик мартабасига кўтарилиши учун ана шу тўрт унсур хусусиятларидан халос бўлмоғи лозим. Юнус Эмронинг бошқа бир байтида худди ана шу мақсад қуйидагича акс эттирилган:

Тарк этурман нор ила хокни, боду парни аслида
Шаш жиҳатдан ман чиқам, бежон ўлам бетан ўлам³.

Бу сўзлар фанофиллоҳ мақомига юксалиш орзусини ҳам ифодалайди. Агар шу орзуга эришилмаса, илоҳий китобларни ёд билишдан бир натижа чиқмайди.

Шарқ шеърлятида тўрт унсур, тўрт дафтар билан бир қаторда тўрт мазҳаб, тўрт анҳор, тўрт раҳбар каби ибораларга ҳам тез-тез дуч келинади.

Маълумки, мазҳаб – таъқиб этиладиган йўл ва асос демак. Исломдаги тўрт мазҳабдан бири Ҳанафий, иккинчиси Шофийий, учинчиси Ҳанбалий ва охиригиси Моликий дейилган. Сайри сулук йўлига кирган ошиқлар бу тўрт мазҳабдан бирини қабул қилиш билан бирга улардан ташқарида «ишқ мазҳаби» ҳам мавжуд, деб билганлар. Улар ишқ мазҳабини ўзига хос "дин", деб англаганликлари боис ҳам Юнус Эмро “Эй ошиқлар, эй ошиқлар, ишқ мазҳаби диндур манга”,- дейди.

¹Юнус Эмро. Девони. – Анқара, 1990. - Б.133.

²Юнус Эмро. Кўрсатилган асар.- Б.158.

³Юнус Эмро. Кўрсатилган асар. - Б.159.

Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида “Тавба қилиб, Ҳаққа ёнган ошиқларга” жаннат ичра тўрт ариқнинг шарбати ато этилиши баён қилинган:

Тавба қилиб Ҳаққа ёнган ошиқларга
Учмоғ ичра **тўрт ариқ**да шарбати бор¹.

Жаннат ва жаннатдаги ариқлар хусусида Қуръони каримда ҳам айтилган. Имом Ғаззолийнинг “Дақойиқ ул-ахбор” асарида ёзилишича, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в) меърож кечаси тўрт ариқни кўрганлар ва унинг оқ марвариддан бино бўлган улкан гумбаз ичидан чиқишига, унинг деворларида “Бисмиллоҳир Раҳмон ар – Раҳим” сўзлари битилган бўлиб, тўрт ирмоқнинг манбаси шу эканлигига ҳам гувоҳ бўлганлар.

Юнус Эмронинг “Анал Ҳақ” ғояси талқин қилинган бир шеърда таъкидланишича, “Ҳақ шаҳри”нинг етти дарвозаси бўлиб, улардан тўртинчисини тўрт пир кўриқлаб турармиш. Ва улар “тўрт қуш” - зеб – зийнат тимсоли – **товус**, ҳирс рамзи – **қарға**, шаҳват тимсоли – **хўроз**, кибру ҳаво рамзи – **каптар**дан кўнгилни муҳофаза этармиш.

Маълумки, Оллоҳ васлига етишишга бел боғлаган солиқ Шариат, Тариқат, Маърифат, Ҳақиқат дея номланган тўрт босқични босиб ўтиши лозим. Бу тўрт босқичнинг ҳар бирида ўнтадан мақом бўлиб, дарвешлик мартабаси ана шу қирқ мақомда ниҳоясига етади. Аҳмад Яссавийнинг “Фақрнома” асарида “тўрт эшик” (қапу), қирқ мақом ҳақидаги фикрлар илгари сурилган. Бектошийлик тариқатининг асосчиси Хожа Бектоши Валийнинг “Мақолот” асарида бу мақомлар бирма – бир тилга олинади. Бундай қарашларни тасаввуфий мазмунда яратилган шеърый асарлар, хусусан, Яссавий ҳикматлари ва Юнус Эмро қаламига оид шеърларида ҳам учратамиз.

Аввал эшик шариат кечса андин тариқат.
Кўнгил уйи маърифат, ишқ ҳақиқат ичинда².

¹Аҳмад Яссавий. Ҳикматлари. - Б.99.

²Юнус Эмро. Кўрсатилган асар. - Б.300.

Диний карашларга кўра, Нух тўфонидан кейин рубъи маскун Нух алайҳиссаломнинг уч ўғли – Ёфас, Сом ва Ҳомга бўлиб берилган. Нухнинг уч ўғлидан кейинчалик туркий, форсий ва хиндийзабон халқлар тарқалади. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул – луғатайн” асарида бу ҳақда шундай дейилади: “Ва Ёфас ўғлонники, Абу – туркдур, тарих аҳли иттифоқи била дебдурларки, нубувват тожи билан сарафроз ва рисолат мансаби била кардошларидин мумтоз бўлди”. Навоийнинг

Ким аё тўрт улуска ворис

Фахр этиб зотингга руҳи Ёфас, -

мисраларида ҳам ана шу “тарих” назарда тутилган.

3.2. Ислом дини билан боғлиқ маросимларида рақамлар.

XV асрнинг буюк олими Али Қушчи бутун оламдаги жисмларни иккига ажратади: фалакий жисмлар ва унсурий жисмлар. Фалакий жисмлар дейилганда, осмон ва ундаги жисмлар назарда тутилган ва улар «юқори олам» саналган. Унсурий жисмлар дейилганда эса тўрт унсур – тупроқ, сув, олов ва шамолдан иборат бўлган ҳамда уларнинг аслига тегишли жисмлар эътиборда тутилиб, улар «қуйи олам» дейилган¹.

Яссавий тўрт рақамига мурожаат қилганда инсон яратилиши учун асос бўлган юқоридаги тўрт унсури назарда тутган ва ундан «етти» га ўтишни ишора қилган.

Тасаввуфга доир китобларда нафснинг «атвори сабъа» деб юритилувчи етти мартабаси борлиги таъкидланади ва ҳатто Қуръони карим оятларида ҳам шу мартабаларга ишорат мавжуд².

Маълумки, туркий халқлар осмондаги бешта ёриткични алоҳида номлаб, тимсоллаштириб, соддалаштирганлар. “Кавокиби мутахаййира” - ружуъ ва истиқомат (сайр) қилувчи бу сайёралар – Миррих – жанг ва уруш тимсоли, жангчилар ҳомийси; Уторуд – шоир ва ёзувчилар ҳомийси;

¹Али Қушчи. Астрономияга оид рисола. – Тошкент, 1968.- Б.52.

²қаранг: Қуръони карим. Юсуф – 12: 53 (– Б.242.). Қиёмат – 75:2 (-Б.577). Шамс – (– Б595..).

Муштарий – фалак қозиси, илоҳий қудрат низомларига кўра жамики мавжудот устидан ҳукмюритувчи; Зухра – осмон чолғуси, созандаси; Зухал – инсолар бошига бало – офат ёғдирувчидир. XIII асрда яратилган “Солнома” да эса ҳафтанинг беш куни ана шу беш сайёрага тааллуқли эканлиги қайд этилган. Чунончи, сешанба – Миррихга, чоршанба – Уторудга, пайшанба – Муштарийга, жума – Зухрага, шанба – Зухалга.

Ислом динининг амалий маросимларида ҳам Беш рақамига алоҳида эътибор берилади. “Аркон ад-дин” деб аталувчи беш асосий тамални бажариш ҳар бир мусулмон учун фарздир. Ҳар куни беш маҳал намоз ўқиш ана шу талаблардан биридир. Намоз мутасаввифларга кўра, кўнгиллардан иккилик ваҳмини қувадиган, Ҳақнинг ҳузурига бошлайдиган меърождир. Намоз Ҳаққа меърож бўлса, кўнгил – Ҳақнинг маконидир. Шунинг учун ҳам кўнгиларга озор бермаслик, кишилар қалбини ранжитмаслик талаб қилиниб,

Бир кез кўнгил йиқар бўлсанг,

Ўқиганинг намоз эмас,-

каби мисралар битилган.

Исмоил ал – Бухорийнинг “Алжомийъас-саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”) асаарида келтирилишича, меърожга кўтарилган Расулуллоҳ (с.а.в) га эллик марта намоз ўқиш буюрилган. Мусо алайҳиссаломнинг маслаҳатлари билан пайғамбаримиз уни камайтиришни сўраганлар ва натижада беш маҳал намоз ўқиш ҳар бир мусулмонга Фарз қилинган. Бу ҳадис меърожияларда ҳам қайта – қайта баён этилган.

Мусулмонлар орасида тез – тез тилга олинадиган **“Оли або” ёки “Аҳлибайт”** ибораси ислом динида муҳим ўрин олган. Ҳаёти ўрناق ва намуна бўлган бу беш кишининг биринчиси Муҳаммад (с.а.в), қизлари Биби Фотима, куёвлари ҳазрати Али ва ўғиллари Ҳасан ҳамда Ҳусайнлардир.

“Оли або” ни Муҳаммад пайғамбарнинг энг яқин дўстлари ва ҳақиқий издошлари бўлган тўрт халифа – ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар,

ҳазрати Усмон ва ҳазрати Али, деб билувчилар ҳам бўлган. Алишер Навоий ғазалларидан бирида:

Бўлмағай эрдум муяссар «Хамса», яъни панж ганж,
Қилмаса эрди мадад ҳолимға **беш оли** або, -

дейди.

Бу фикрни “Агар пайғамбар ва тўрт халифа мададкор бўлмаса, “Хамса” ёзиш менга насиб бўлмасди”, - деган мазмунда ҳам тушуниш мумкин. Лекин оли або ибораси аҳли дил, кўнгил одами, кўнгил тилини англовчи маъноларни ҳам ифодалаган. Шунинг учун Навоий эътирофи “Хамса” дostonларини ёзишга таъсир кўрсатган салафларга тегишли дейиш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Ислонда энг кўп қўлланилган ва турли – туман маъноларни ифодалашга хизмат эттирган рақамлардан яна бири еттидир. Маълумки, туркий халқларнинг қадимги мифологик ва диний қарашлари ҳамда оғзаки ижодиётида бу рақам жуда муҳим ўрин эгаллаган. Олимларнинг маълумот беришларига кўра, арабча “етти” сўзи фақат математик миқдорни акс эттирмасдан, айнаи замонда кўплик мазмунини ҳам ифодалаган. Ал – Қуртубийнинг ёзишича, эскилар “етти кўк”, “етти қават ер” таъбирини ёлғиз ер ва кўкнинг табақалари учун эмас, балки малаклар олами, жинлар олами, шайтон, маъдан, ўсимликлар олами, ҳайвонлар ва инсон олами мазмунида ҳам татбиқ ва талқин қилганлар¹.

Диний нуқтаи назар бўйича инсоннинг борлиқ тарзида шаклланиши етти босқични ташкил этган. Буларнинг биринчиси балчиқ, иккинчиси нутфа, учинчиси қон, тўртинчиси бир парча эт, бешинчиси суяк, олтинчиси лаҳм ва еттинчиси – томирларнинг пайдо бўлиш мартабасидир. Инсон вужуди ана шу мартабаларга етгандан сўнг ояти каримда буюрилганидек, руҳ уфуриладиган ҳолатга юксалар экан. “Амр” дейилган раҳмоний бир нафас унга ингандан кейин эса у навбатма – навбат мартабаи

¹Маҳмуд Байроқдор. Тасаввуф вазамонавий илм. – Истанбул, 1989. – Б.85.

калабий, яъниаклия, мартабаи лавхий, яъни нафсия, арш ва курси, самовати сабъа, аносир ва маволидотга етишгач, ниҳоят инсонлик шарафига соҳиб бўларкан¹.

Маълумки, ҳуруфийлик ҳарфларнинг муқаддаслигига таянган ва дунёнинг сир – асрорини араб алифбосини рамзлаштириш йўли билан очишга уринган таълимотдир. Ҳуруфийларга кўра, ҳаётнинг бутун сирлари Қуръондаги ҳарфларда, бу ҳарфлар эса инсоннинг юзидадир².

Ҳуруфийларнинг ишонч – эътиқоди бўйича инсоннинг юзида етти сиёҳ хат бордир: икки кош, тўрт киприк, бир соч. Инсон шу етти хат билан онадан туғилганлиги боис уларга “**она хатлар**” дейилган. Бу етти тўрт унсурга кўпайтирилса араб алифбосининг 28 ҳарфини ташкил қилади. Бундан ташқари, “Фотиҳа” сураси Қуръоннинг мағзи бўлиб, етти оятдан иборат. Ушбу сура юздаги етти хатга муқобил эрур, деб эътироф этилган бу ерда “Қуръон етти ҳарф устида нозил бўлмиш” деган ҳадисни ҳам хотирлаш лозим. Абдулазиз Даббоғ ушбу ҳадисни шундай шарҳлайди: “... Расулуллоҳ ҳазратлари зоти шарифларига жаноби Ҳақ тарафидан берилган шундай қувват борки, унинг нурлари етти тармоққа бўлинади. Булар эса етти ҳарф билан ишорат этилган: 1. Нубувват ҳарфи. 2. Рисолат ҳарфи. 3. Одамият ҳарфи. 4. Рух ҳарфи. 5. Илм ҳарфи. 6. Қабз ҳарфи. 7. Баст ҳарфи”³.

Нубувват ҳарфидан пайдо бўлган оятлар ҳамиша сабрга чорлар, чунки пайғамбарлар дунёга эмас, Ҳаққа майл этурлар. Рисолат нуридан пайдо бўлган оятлар охират даражалари, охират аҳли мақомлари, савобларини акс эттирган. Рух ҳарфининг аломати Рухнинг доимо Ҳақни мушоҳада айлашдир. Илм ҳарфи билан инган оятлар махлуқотнинг ҳолларини кўрсатиб, жаҳолатни йўқ этади. Қабз ҳарфи билан нозил бўлган оятлар куфр ва зулмат аҳлини иймонга даъват этиб, азоб билан кўрқитади.

¹Умар Жайлон. Кўрсатилган асар, – Б.224.

²Арасли Х. Имодин Насимий. – Тошкент, 1973.--Б.76.

³Абдулазиз Даббоғ. Китоб ул – ибриз. – Истанбул, 1991. – Б.71.

Ҳақ Таолонинг махлуқотларга берган неъматлари баст ҳарфи воситасида ато этилган.

Кўрурман бир улуғ шаҳри муаззам
Унга тенг келмас на Мисру на Шом.

Етти юз етмиш еттидир маҳласи
Олама тўлмиш ул шаҳарнинг ғавғоси.

Уч юз олтмиш олти чорсудир бозор
Ҳар неки бордур жаҳонда анда бор.

Ўн икки буржу бадани бор тамом
Тўрт юз қирқ тўрт сипоҳи сақлар мудом.

Қайғусиз Абдол деган усмонли турк шоирининг бу мисраларнинг ўқиганда кишининг кўз ўнгида Миср ва Шомдан ҳам катта бир шаҳар, унинг кўпдан – кўп маҳалла ва чорсулари, уни кўриқлаётган сипоҳийлари гавдаланади. Аммо шоирнинг асл муддаоси нима эканлиги қуйидаги изоҳлардан кейин равшанлашади: “Бу байтлардаги шаҳар, етти юз етмиш етти маҳалла, уч юз олтмиш олти чорсу, ўн икки бурж ва тўрт юз қирқ тўрт сипоҳи ҳақиқий маънода нимани англатади? Қайғусиз Абдолнинг “Вужуднома” ва “Дилкушо” асарларини тадқиқ этганимиз замон юқоридаги калима ва иборалар мажозий мазмунда ишлатилганлигини англаб оламиз. У “ Дилкушо” да шундай ёзади: “Одамнинг вужуди муаззам бир шаҳардир, ҳар неким жумлаи одамда бор бўлса, ул шаҳарда ҳам мавжуддир. Ул шаҳарнинг ўн икки дарвозаси бордир ... Одамнинг вужуди уч юз олтмиш томир, етти юз етмиш етти асаб, тўрт юз қирқ тўрт парча суяқдир.”¹. Баъзан 366 ўрнига 360 рақами ҳам ишлатилади.

¹ Абдурахмон Гўзал. Кўрсатилган асар. – Б.674.

Мавлоно Жалолоиддин Румийнинг ғазалларидан бирини шарҳлаган Амир Бухорий ундаги “Си саду шаст гов”, яъни уч юз олтмиш сигир” иборасини ҳам “инсон вужудидаги уч юз олтмиш томир” дея қайд этади¹. Уч юз олтмиш олти рақами маънавий руҳоний сирга ҳам ишорат қилади. Буни Абдулазиз Даббоғнинг қуйидаги фикрларидан ҳам англаш мумкин: “Рухнинг уч юз олтмиш олти сири бордир. Улардан бири шудир: агар рух унингла зотга йўналиб имдод айлайдиган бўлса, зот давомли тарзда йиғлашга бошлайди. Бошқа бир сирини унга узатадиган бўлса, зот давомли тарзда кулиб – қувнайди, ўзга бир сирни юборса, узлуксиз бақириб - чакиради. Аммо рух фақат дард ва қадар ўлчамига кўра зотга сирларини узата олади”².

Тасаввуф адабиётида етти томғу, яъни етти дўзах тўғрисидаги фикрларга ҳам тез – тез дуч келиш мумкин. Сулаймон Боқирғоний “Меърожнома” сида дейди:

Сўл ёниға ўғрилди, етти томуғни кўрди,
Ҳар бири гуркаб мавж урса, ўти сачрар эрдиё.
Ҳар бир томғу ичинда фаришталарни кўрди,
Ўтдин гурзилар олиб, ёндирирлар эрдиё.

Қаро эрди юзлари, чоғир эди кўзлари,
Ёрим онинг танлари, қордин совуқ эрдиё
Бир гуруҳни тутубон, ўтдин сандал олибон,
Иринларин кесибон, азоб қилар эрдиё³.

Мусулмонлар орасида етти дўзах ва ундаги жазою азобларга доир фикрлар анча кенг тарқалган. Чунки исломга кўра, дўзах ҳам худди кўкка ўхшаб етти қаватдан иборат бўлиб, биринчисида иккиюзламачилар, мунофиқ кишилар, иккинчисида Миср фиръавнлари ва аёнлари,

¹ Қаранг: Курноз Ж. Тотчи М. Амир Бухорий. – Анқара, 1999. – Б.266.

² Абдулазиз Даббоғ. Кўрсатилган асар. – Б.15.

³ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. – Тошкент, 1991. – Б.54.

учинчисида даҳрийлар, тўртинчисида афсунгарлар, бешинчисида кофирлар, олтинчисида юлдузпарастлар жазоланар экан. Ниҳоят, сўнги каватда адашганлар азобга маҳкум этилиб, олов ёнган каватлардан фарқли равишда, унда қаттиқ совуқ пайдо бўлармиш. Боқирғоний “Меърожнома” сида шунга ҳам ишорат бор. Лекин тариқат аҳли дўзах ва жаҳаннам ишончида диний фикр – мулоҳазалар билан кифояланиб қолмасдан, жаҳаннам ва унинг азобу қийноқларини инсоннинг ўзида, янада аниқроғи, унинг нафси ҳамда нафсоний ҳирсларидан ахтарганлар.

Ана шунинг учун ҳам адабиётимизнинг бутун тарихи мобайнида нафсоний ҳирслар қаттиқ қораланиб, танқид этиб келинган. Булардан қутулиш ёки уларни бутунлай таслим айлашнинг энг мақбул ва ишончли йўли эса сайри сулук, деб топилганки, бу ҳам етти босқичдан иборат бўлган.

Сулук арабча сўз бўлиб, йўлга кириш, йўлга тушиш мўноларини англатади. Бу йўлнинг раҳбар ва раҳнамози муршид ёки шайхдир. Солик унинг йўл – йўриқлари орқали энг аввало ахлоқни гўзаллаштириб, маънавий йўлчиликни амалга оширган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад, Оллоҳ висолига етишишдир. Сулук давомида бир қанча мақомлар кечиб ўтилиб, бир қанча ҳоллар яшалган. Натижада нафс покланиб, руҳ амолга етишган. Юнус Эмро солиқни кушга қиёслайди. Табиийки, учуш, яъни парвоз солиқ учун бир мажоздир. Кушнинг парвози “қанот” воситасида бўлгандек, солиқнинг қўш қаноти ишқ ҳисобланган.

Сайрнинг бошланғичи бўлган сулук нафсоний вужуддан илоҳий вужудга, илоҳий исмлардан сифатларга ва зотга барча зиддиятлардан халос бўлиб, Оллоҳ ва Оллоҳда сайр айланиш юксаклигига етишади. Бу ҳам етти босқичда амалга оширилган.

Хуллас, тасаввуф таълимоти ва адабиётида етти рақами алоҳида нуфузга эга бўлиб, бир – биридан қизиқарли, гоҳида мураккаб маъно ва ҳақиқатларни ифодалашга хизмат этирилган. Шунинг учун уларнинг юзага чиқиш тарихи, мазмун – моҳиятини яхши ўрганиш тасаввуф

масалаларини билишга қанчалик ёрдам берса, тасаввуий адабиёт намуналарини тадқиқ ва талқин қилишда ҳам шунчалик қўл келади. Бу фикр тўла бўлмаса – да, маълум бир тарзда бошқа бир неча рақамларга, жумладан, саккизга ҳам алоқадордир.

Жунайд Бағдодийнинг эътироф қилишича, тасаввуф саккиз хислатдан бино этилган:

1. Сахо
2. Ризо.
3. Сабр.
4. Ишорат.
5. Ғурбат.
6. Суф кийиш.
7. Саёҳат.
8. Фақр.

Аmmo бу хислатлар ўз – ўзидан танланмаган, Зеро, уларнинг хар бири бир пайғамбарнинг хос хислати бўлган. Шунинг учун сахо Ҳазрати Аюбга, ишорат Ҳазрати Закариёга, ғурбат Ҳазрати Яхёга, суф кийиш Ҳазрати Мусога, саёҳат Исо руҳуллоҳга, фақр Муҳаммад алайҳиссаломга оид, деб баҳоланган¹.

Машойихлардан бошқа бирининг хулосасига кўра, маъно оламида анбиё ва авлиёларнинг саккиз фазилатлари жаннатнинг саккиз табақасига тенгдир. Бу фазилатлар эса тавозеъ, қаноат, ризо, иффат, сабр, ҳилм, сахо ва маърифат эрур.

Буларнинг шунчаки санок учун айтилган дейиш бадий ижодда ушбу хислат ва фазилатларга эътиборни ҳисобга олмасликдир.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, саккиз рақами билан боғлиқ тушунчаларнинг аксарияти жаннат аҳлининг саккиз қавмдан иборатлиги ва жаннат дарвозасининг саккизта, деб белгиланишига доир қарашлар билан

¹ Хужвирий. Кашфул маҳжб. – Истанбул, 1996. – Б.158.

алоқадордир. Сўфийларнинг фикрича, жаннат зухд мақоми бўлиб, зоҳидларнинг орзусидир ва тарки укбо туйғуси улар учун ҳос эмас. Насафийнинг ёзишича, “жаннатнинг саккиз эшиги ҳақидаги сўзлар тўғридир. Булар инсондаги беш туйғу (кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳис қилиш, тўқиниш) ва ҳаёл, фаҳм ҳамда ақлдир. Чунки инсон нимани англаса, шу беш «эшик» орқали англайди. Ақл ана шу етти туйғу билан бирга бўлмаса, улар ақлга бўйсунмай, вужудга тобе бўлади. Агар ақл уларга ҳукмини ўтказа олса, ул саккиз бирданига жаннат эшигига айланурлар”¹.

Яссавийнинг куйидага сўзларига эътибор беринг:

Саккизимда саккиз ёндан йўл очилди,

Ҳикмат айт, деб бошларимга нур сочилди.

Йўл – Оллоҳга элтувчи, унга яқинлаштирувчи ҳар бир нарсанинг рамзий номидир. Оллоҳга боғловчи йўллар жуда кўп бўлиб, турк олими Адҳам Жабжи ўғлининг эътирофига кўра, бу ерда йўлнинг саккизта бўлиши саккиз жаннатни кўрсатиш учундир². Аммо бу байт Яссавийнинг ёшлигидаёқ беш асосий туйғу билан бир қаторда, тахайюл, фаҳм ва ақл – идрокда ҳам балоғат касб этганлигидан далолат беради, десак хато қилмаган бўламиз.

Тасаввуф адабиётини махсус тадқиқ қилган турк олими Абдурахмон Гўзалнинг эътирофича, даврия – диний – тасаввуфий адабиётдаги энг мураккаб, изоҳ ва талқини жуда қийин бўлган бир жанр³. Даврия ҳақида тасаввур ҳосил қилишдан аввал давр тушунчасининг тасаввуфий мазмун – моҳиятини билиш лозим, албатта. Масаланинг худди шу жиҳатини эътиборга олиб, Ризо Тавфиқ ёзади: “Даврия аталмиш шеърларнинг мавзуи, моҳияти ва аҳамиятини англамоқ учун, энг аввало шуни билиш керакки, олами моддага, яъни энг охирда зухур этилмиш олами суфлияга тушган» бир борлиқ дастлаб жамод суратида тажаллий қилар, кейин набот,

¹ Азизиддин Насафий. Инсони Комил. – Истанбул, 1990. – Б.79.

² Қаранг. Аҳмад Яссавий: ҳаёти, асарлари ва ижоди. – Б.97.

³ Гўзал. А. Диний тасаввуфий турк адабиёти. – Анкара, 1999. – Б. 634.

сўнгра инсон сувратига эришиб, ниҳоят малакиёт даражасига юксалар, фариштасифат бўларки, унга «инсони комил», “қутб” дерлар. Бу мартабани эгаллагунга қадар висоли Ҳақ саодатига ноил бўлиб, вужуди мутлаққа ружуъ этар ва унда фано бўлур...”¹.

Хуллас, даврия яратилишининг бошланғич ва охириги, борлиқнинг каердан келиб, қаёнга кетиши ҳамда булар орасидаги мавжудликнинг тасаввуфий изоҳидир. Бошқача айтганда, “судур” ва “тажаллий” масалаларини доирага қиёслаб бадий талқин этилган асарлардир.

Шарқ адабиётида Жалолиддин Румий, Носир Хусрав, Ибни Ямин, Юнус Эмро, Маҳмуд Шабустарий каби шоирлар ҳам давриялар ёзган. Туркий тасаввуф адабиётидаги энг қадимги даврия муаллифи Аҳмад Яссавийдир. Профессор Мустафо Узун “Холиқимни излармен тун – кун жаҳон ичинда” деб бошланувчи ҳикматига таяниб Яссавийни туркий шеърятдаги даврия асосчиси, дейди².

Шундай қилиб, юқорида баён этилган фикр, мулоҳаза ва талқинлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Адабиёт тарихининг энг қадимги даврлардан бошлаб, маълум бир ғоя ва ҳақиқатларни ифодалашда турк ва мумтоз шоирларимиз рақамлардан ҳам фойдаланишган. Бу, албатта, у ёки бу рақамга рамзий – мажозий маъно юклаш орқали амалга оширилган ва бу иш аста секин ўзига хос ғоявий – бадий анъанага айланиб борган. Бизга маълум бир сон мазмунини англатадиган рақам баъзан кўплаб маъно ёки илоҳий – фалсафий моҳиятларни акс эттирадиган рамзий – мажозий “образ” даражасига кўтарилган. Масалан, бунга бир рақамини мисол келтиришнинг ўзи кифоя.

2. Тасаввуфий шеърятда рақамларнинг рамзий-мажозий маъноларидан асосан илоҳий ишқ ва комил инсон масалаларини ёритишда фойдаланилган. Буни Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний, Юнус

¹ Усмон А. Ризо. Тавфикнинг халқ адабиётига доир мақолалари. – Анкара, 1982. – Б.89.

² Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва анъаналари. – Тошкент, 2001. – Б.261.

Эмро ва Насимий каби туркий адабиётнинг йири вакиллари тажрибалари ҳам тасдиқлаб турибди. Шунинг учун тадқиқот фақат турк адабиёти вакиллари ижодига эмас, ўзбек, озарбайжон ва усмонли турк шоирлари асарларига ҳам мурожаат қилинади. Мавзу нуқтаи назаридан мазкур ижодкорларнинг асарларини тадқиқ ва талқин қилиш туркий халқлар бадиий ижодида ракамлар анча эски замонлардан бошлабоқ эътибор қилиниши зарур бўлган ғоявий – бадиий вазифани яхши адо этганлигидан далолат беради.

Х У Л О С А

Одам фарзандлари ақл – идроки, тафаккур ва хаёлотининг муҳим бир унсури сифатида рақамлар ҳам бадиий адабиётдан ўзига хос ўрин эгаллаган бўлиб, бу ҳодиса узоқ тарихга эга. Шунинг учун худди турк халқ оғзаки ижодиётидагидек, мумтоз адабиётимизда ҳам бир қанча рақамлар фаол қўлланилган. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, рақам рамзларидан фойдаланиш ва улар орқали муайян бир маънони ифодалаш муҳим бир анъанага айланган ҳамда ижодкор маҳоратини маълум маънода синовдан ўтказган десак, хато қилмаган бўламиз.

Шарқ адабиётида рақамдан фойдаланиш тажрибаси мифология, дин, урф – одат, маросим ва тасаввуф таълимоти билан бевосита боғлиқдирки, биз ўз ишимизда масалани ана шу уйғунликка таянган ҳолда ёритишга ҳаракат қилдик. Шунинг учун оддий бир рақам замирида ёки унга рамзий мазмун сингдирилганда у поэтик тимсолга ўхшаб жуда чуқур ва хилма – хил ҳақиқатларни ифодалашга хизмат этирилганлиги равшанлашади. Шу маънода тасаввуф таълимотига таянишга алоҳида эҳтиёж сезилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Диссертация давомида шунга ўхшаган мисоллар ёрдамида шундай хулосаларга келдик:

1. Рақамлардан у ёки бу мақсадда фойдаланиш ижод тажрибасидаги жўн ёки оддий ишлардан эмас, албатта. Чунки ҳар қандай рақам асар матни таркибида аниқ бир ғоявий, бадиий, рамзий вазифани бажармаса, у ўзининг мавжудлигини тўла – тўқис оқлай олмайди. Турк адабиёт вакиллари томонидан қўлланилган рақамлар ҳамма пайт ва ҳамма ҳолатларда ҳам янги фикр ёки мазмун ифодаси учун хизмат этирилган, деб бўлмайди. Зеро, адабиётдаги анъанавийлик қонун – қоидалари ва талаблари моҳият эътибори билан рақамларнинг анъанавийлашувига сабаб бўлган. асалан, 1, 3, 5, 7 каби рақамлар воситасида илгари сурилган рамзий – мажозий ҳақиқатлар ифодасидаги яқинлик ва ўхшашликнинг боиси, бизнингча, ана шундадир.

2. Бир тариқатга мансуб шоирларнинг рақам замирига сингдирган мазмун – моҳияти бошқа бир тариқат вакили бўлган шоир талқинига мос келмаслиги мумкин. Буни назардан соқит этмасликка тиришдик. Рақамларнинг муқаддаслаштириш жаҳондаги турли халқларда турли мақсадларда амалга ошганидек, уларнинг маъно ҳақиқати ва сирлари ҳам мазҳаб, тариқат ва таълимотларнинг мафкуравий қарашларидан келиб чиқиб ўзгариб борган. Тўрт ва етти рақамлари замиридаги маъно – моҳиятни ўрганиш асосида бунга амин бўлиш мумкин.

3. Бадиий ижодда рақам қўллаш, рақам ёрдамида фикр баён айландан кўзланган бош мақсад олам орқали одам, одам воситасида олам сир – асрорини очиш, комил инсонга хос хусусият ва фазилатларни ифодалаш бўлган. Алишер Навоий ижодида қўлланган етти ёки тўққиз кўк, ўн саккиз минг олам каби бирикмаларни текширганда, рақамлар замиридаги рамз ва мажоз орқали комил инсон моҳиятини ёритишга қаратилган фикр – мулоҳазалар баён этилганлиги аён бўлади.

4. Рақам рамзлари, уларнинг мажозий моҳиятини кашф этиш, шунингдек, бадиий ижодда улардан самарали фойдаланиш рақамлар замирига сингдирилган илмий заминга ҳам асосланилган. Шу маънода рақамларнинг халқимиз тарихи, урф – одатлари, анъаналари билан боғлиқ жиҳатлари билан бирга, уларнинг илмий асослари, фан қўлга киритган ютуқларидан ҳам фойдаланилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

- 1.1 Каримов И.А Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент, 2001.
- 1.2 Каримов И.А Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. – Тошкент, 1999.

II Диний асарлар:

- 2.1. Абул Ҳасан ал – Кисойй. Оламнинг аввали ва охири ҳамда пайғамбарлар хусусида // Ёшлик. – 1990 – 10 –сон.
- 2.2. Азизов С., Жабборов Н. Хўжа Аҳмад Яссавий ҳикматларида фалакий атамалар талқини // Имом ал – Бухорий сабоқлари. – 2001.
- 2.3. Исмоил ал – Бухорий. Ал жомий ас – саҳиҳ. 1 – китоб. – Тошкент. Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
- 2.4. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. (Абдулазиз Мансур таржимаси). – Тошкент: Ислом университети, 2001.

III Илмий асарлар:

- 3.1. Адабиёт назарияси. Пжилдлик. 1 – жилд. – Тошкент: Фан, 1978.
- 3.2. Али Қушчи. Астрономияга оид рисола. – Тошкент: Фан, 1968.
- 3.3. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. – Тошкент: Фан, 1993.
- 3.4. Алишер Навоий. МАТ. IV том. – Тошкент: Фан, 1989.
- 3.5. А.Абдуғафуров. «Тўра ойини била» // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001.
- 3.6. Боқирғоний, Сулаймон. Боқирғон китоби. – Тошкент. Ёзувчи, 1991.
- 3.7. Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент, 2001.
- 3.8. Жумахўжа Н. Ўн саккиз ёш хайратлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990.

- 3.9. Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида «сеҳрли» рақамлар.- Тошкент: Фан, 1991.
- 3.10. Жўраев М.,Холмўхаммедов К. Етти иқлимдаги «еттилар».-Тошкент: Фан.
- 3.11. Маҳмуд Кошғарий. Девони луғатит турк. II жилд. – Тошкент: Фан, 1961.
- 3.12. Маҳмуд Кошғарий. Девони луғатит турк. 1 жилд. – Тошкент: Фан, 1960.
- 3.13. Насафий. Зубдат ут – ҳақойиқ. – Тошкент, 1987.
- 3.14. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.
- 3.15. Хондамир.Мақорим ул – ахлоқ. – Тошкент. 1967.
- 3.16. Хожа Аҳмад Ҳаққул И.Ирфон ва идрок. – Тошкент. 1998.
- 3.17. Яссавий. Ҳаёти, ижоди, анъаналари. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001.
- 3.18. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2002. 6 – жилд.
- 3.19. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари.- Тошкент.1997.

IV Насрий ва шеърий асарлар:

- 4.1. Арасли Ҳ. Имомиддин Насимий – Тошкент: Фан, 1973.
- 4.2. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992.
- 4.3.Аҳмад Яссавий. Ҳикматлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
- 4.4.Жоҳонгиров Ғ.А. Ўзбек болалар фольклори.- Тошкент: ўқитувчи.1975.
- 4.5. Комилов.Н. Тасаввуф. 1- китоб. – Тошкент, 1996.
- 4.6. Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент, 2004.
- 4.7.Раҳмонов Н. Култгин ёдномасининг поэтикаси // Ўлмас обидалар. – Тошкент, Фан: 1989.

- 4.8. Румий, Жалолиддин. Маънавий маснавий. Куллиёт. 1 – жилд. – Тошкент: Шарк, 1999.
- 4.9. Сўфи Оллоёр. Сабот ул – ожизин. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
- 4.10. Ҳаққул. И. Тасавуф ва Навоий шеърятини ҳақида. «Навоийнинг ижод олами», - Тошкент, 2001.
- 4.11. Ҳаёт васфи. Хофиз Хоразмий. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
- 4.12. Ҳаққул И. Тасавуф ва шеърят. – Тошкент, 1991.
- 4.13. Ҳазрати Али ибни Абу Толиб. Девон. – Тошкент, 2005.
- 4.14. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Фан, 1979.

V Хорижда чоп этилган адабиётлар:

- 5.1. Азизиддин Насафий. Инсони Комил. – Истанбул, 1990.
- 5.2. Абдулазиз Даббоғ. Китоб ул – ибриз. – Истанбул, 1991.
- 5.3. Aksan Doğan, Anlambilim, Engin Yayınevi, - Ankara, 1999.
- 5.4. Абдурахмон Гўзал. Диний дасаввуфий тарк адабиёти. – Анқара, 1990.
- 5.5. Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк: Донбас, 1975.
- 5.6. Гулпинарли А. Маснавий таржимаси ва шарҳи. – Истанбул, 1990.
- 5.7. Галинская И.Л. Загадки известных книг. – М.: Наука, 1986.
- 5.8. Евсюков В.В. Мифы о вселенной. – Новосибирск, 1988.
- 5.9. Жабачи ўғли А. Тасавуф терминлар луғати. Анқара, - 1979.
- 5.10. Жамол Қурноз. Мустафо Тотчи. Амир Бухорий. – Анқара, 1999.
- 5.11. Ziya Gokalp, Türk Töresi, Istanbul. 1963.
- 5.12. И.Н. Исмоилов . Уйғур адабиёти тарихи. – М., 1976
- 5.13. К. Иностранцев. Семантика чисел. – М., Наука, 1980.
- 5.14. К. Иностранцев. Семантика чисел. – М., Наука, 1980.
- 5.15. Н.В.Кюнер. Загадки известных книг. М.: Наука, 1986.
- 5.16. Оқар, Метин . Турк адабиётида манзум меърожномалар – Анқара, 1987.

- 5.17. Расоний Лазсло. Тарихда турклик. – Анқара. 1988.
- 5.18. Сулаймон Улутоғ. Тасаввуфий терминлар луғати. – Истанбул. 1995.
- 5.19. Сулаймон Улутоғ. Тасаввуфий терминлар луғати. – Истанбул. 1995.
- 5.20. Sabri Cemil, “Türkiye masallari”. Istanbul, 1997
- 5.21. Türkmen şiiri anatolojisi. Kemal Karaalioğlu. Istanbul, 1982.
- 5.22. Türk türküleri örnekleri (Prof Saadet ÇağDTCF yayini, Ank. 1984)
- 5.23. Türk Folklori (Ömer demircan, TDK. Ankara. 1977)
- 5.24. Türk türküleri örnekleri (Prof Saadet ÇağDTCF yayini, Ank. 1984)
- 5.25. Türkiye türk edebiyati. Nevzan Koşoğlu. Ankara, 2003.
- 5.26. Юнус Эмро. Девон. – Анқара, 1990.
- 5.27. Қушайрий . Рисолаи Қушайрий. – Истанбул, 1991.
- 5.28. Қушайрий. Рисолаи Қушайрий. – Истанбул, 1991.
- 5.29. Хужвирий. Кашфул махжуб. – Истанбул, 1996.

ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИ:

www.google.com.tr

www.wikipediya.com

www.bilinç.com

www.hemenbul.com

www.Turkiyat.org.tr

www.TRT.tr

www.TGRT.tr

www.PTT.tr

www.TDK.tr

www.prodigital.slovar.ru

www.racha.narod.ru